**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АЛОҚА, АХБОРОТЛАШТИРИШ ВА ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ**
**ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**

**Касбий таълим факультети**
**Ахборот кутубхона тизимлари кафедраси**
**Ахборотлаштириш ва кутубхонашунослик йўналиши**

Ҳимояга рухсат

Кафедра мудири

_______________

2013 й. «___»___________

# “ОЗОД ШАРАФИДДИНОВНИНГ ЭЛЕКТРОН КУТУБХОНАСИНИ ЯРАТИШ”

мавзусида

# БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Битирувчи ________________ Умарова Д.Ш
имзо ф.и.о.

Раҳбар ________________ Рахматуллаев М.А.
имзо ф.и.о.

Тақризчи ________________
имзо ф.и.о.

**ҲФХ** ________________ Амурова Н.Ю.

**ТОШКЕНТ-2013**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АЛОҚА, АХБОРОТЛАШТИРИШ ВА ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ**
**ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**

**Касбий таълим факультети**

**Ахборот кутубхона тизимлари кафедраси**

**5320200 - «Ахборотлаштириш ва кутубхонашунослик» йўналиши**

ТАСДИҚЛАЙМАН

Кафедра мудири__________________
2013 йил « __ » __________________

Битирувчи Умарова Дилдора Шокир қизининг “Озод Шарафиддиновнинг электрон кутубхонасини яратиш” мавзуидаги битирув малакавий ишига

## Т О П Ш И Р И Қ

1. Мавзу университетнинг 2013 йил «___» ________даги _______–сонли буйруқ билан тасдиқланган.
2. Ишни ҳимояга топшириш муддати_________________________________
3. Ишга оид дастлабки маълумотлар________________________________
____________________________________________________________________
____________________________________________________________________

4. Ҳисоблаш–тушунтириш ёзмалар мазмуни (ишлаб чиқиладиган масалалар рўйхати)____________________________________________________________
____________________________________________________________________
____________________________________________________________________
5. График материаллар рўйҳати____________________________________
____________________________________________________________________
____________________________________________________________________
6. Топшириқ берилган сана ______________________________________

Раҳбар ___________________
имзо
Топшириқ олдим____________

7. Ишнинг айрим бўлимлари бўйича маслаҳатчилар:

| Бўлим номи | Маслаҳатчи | Имзо, сана | |
|---|---|---|---|
| | | Топшириқбер илди | Топшириқ олинди |
| 1-3 бўлимлар | | 15.01.2013 й | |
| 4-бўлим | | 30.04.2013 й | |

8. Ишни бажариш графиги

| Т/р | Иш бўлимлари номи | Бажариш муддати | Раҳбар (маслаҳатчи) имзоси |
|---|---|---|---|
| 1. | Озод Шарофутдиновнинг электрон кутубхонасини яратиш тахлили | | |
| 2. | Озод Шарофутдинов асарларининг библиографияси | | |
| 3. | Озод Шарофутдиновнинг нашрларининг каталоглаштиришнинг ўзига хос ҳусусиятлари | | |
| 4. | Хаёт фаолияти хавфсизлиги | | |

Битирувчи___________________ 2013 йил «_____»___________

имзо

Раҳбар____________________ 2013 йил «_____»___________

Битирув малакавий иши куннинг долзарб масалаларидан бири – электрон ресурслар яратиш масаласига бағишланган. Ишда Озод Шарафиддиновнинг электрон кутубхонасини яратиш, унинг қидириш алгоритмлари берилган. Тизимнинг фунционал ва ташкилий тузилиши келтирилган. Фунционал тузилишида унинг асосий функсиялари, таркибий қисмлари ёритиб берилади. Ташкилий структурада тизимни ташкил этишнинг асослари, тизимни юритишда қатнашувчи масъул шахслар ҳақида маълумот берилади. Ишнинг илмий ва амалий аҳамияти катта.

Выпускная квалификационная работа посвящена актуальным вопросам современности – создания электронных ресурсов, в том числе база данных. Разработана база данных научных работ, докладов и монографии Озод Шарафиддинов, программа для доступа в базу данных, алгоритм и поисковая система. Автор отражает функциональные и организационные структуры. Работа имеет научное и практическое значение.

Graduate work is devoted to topical issues of our time - the creation of electronic resources, including databases. Developed a database of scientific papers, reports and monographs Ozod Sharafiddinov, a program to access the database, and the search engine algorithm. Author reflects the functional and organizational structure. The work has a scientific and practical value.

Мундарижа


| | | |
|---|---|---|
| | **КИРИШ** ……………………………………………..……..………………… | 6 |
| I | **ЭЛЕКТРОН КУТУБХОНАНИ ЯРАТИШ МЕТОДЛАРИ ВА ДАСТУРЛАРИНИ ТАҲЛИЛИ……….……………………………….…** | 9 |
| | 1.1. Озод Шарафиддинов ҳаёти ва ижоди....…………………….. | 9 |
| | 1.2. Электрон кутубхона асосий тушунчалари ва атамалари…... | 15 |
| | 1.3. Электрон кутубхоналарнинг веб-сайт кўринишидаги талқини ……………………………..…………………............... | 17 |
| | 1 – боб бўйича қисқача хулоса…………………………………….. | 24 |
| II | **ОЗОД ШАРАФИДДИНОВ ЭЛЕКТРОН КУТУБХОНАСИНИНГ МАЪЛУМОТЛАР БАЗАСИНИ ЯРАТИШ АЛГОРИТМЛАРИ…....** | 25 |
| | **2.1.** Озод Шарафиддинов электрон кутубхонасининг функционал ва ташкилий тузилмаси……….…………….. | 25 |
| | 2.2. Озод Шарафиддинов электрон кутубхонасини яратиш ва қидириш алгоритмлари ……………….………………..……... | 30 |
| | 2 – боб бўйича қисқача хулоса…………………………........... | 34 |
| III | **ОЗОД ШАРАФИДДИНОВ ЭЛЕКТРОН КУТУБХОНАСИНИ АКТда ЯРАТИШ** | 35 |
| | 3.1. Озод Шарафиддинов асарларини АКТда каталоглаштириш ... | 35 |
| | 3.2. Озод Шарафиддинов электрон кутубхонаси ишга тушириш ва ундан фойдаланиш…………………………………………..... | 43 |
| | 3 – боб бўйича қисқача хулоса……….……………………......... | 48 |
| IV | **ҲАЁТ ФАОЛИЯТИ ХАВФСИЗЛИГИ**………...………...…………… | 49 |
| | 4.1. Компютер билан ишлашда электр магнит нурланишларидаги ҳимояланиш………………………………………………………... | 49 |
| | 4.2. Фавқулодда ҳолатлар вақтида халқ хўжалиги объектларининг турғун ишлашини таъминлаш …………………... | 56 |
| | **ХУЛОСА…..**……………………………………………………….. | 59 |
| | **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ**…………………… | 60 |
| | **ИЛОВА. ДАСТУРИЙ КОМПЛЕКСНИНГ КОДИ**……….………….. | 62 |

# КИРИШ

Ҳозирда кўпгина олий таълим муассалари ахборот ресурс марказлари мавжуд фонднинг ресурсларини электрон форматга ўтказиб АРМ электрон кутубхонасида, ҳамда глобал интернет тармоғида тақдим этишмоқда. Бундай натижалар, ютуқлар салмоғи кенгайиб боравергач бугунги кунда республикамиздаги йирик АКМ, ОТМлар АРМ лари ва бошқа кўплаб кутубхоналарни тўлақонли автоматлаштирилган ҳолатига гувоҳ бўлишимиз мумкин. Шу билан биргаликда кутубхоналарда аввалги анъанавий хизматлардан ташқари кўплаб бошқа хизмат турлари шакллантирилмоқда. Буларга мисол қилиб кутубхона фонди анъанавий карточка-каталог системасидан ташқари, махсус электрон кутубхона бўлимидан умумий фонднинг электрон каталогини кўриш, мавжуд бўлса тўлиқ матнини ва керакли маълумотларни юклаб олиш, интернет-медиа хизмати, ахборот-аналитик материаллар тўплаб бериш ва бошқаларни келтириш мумкин.

Бундан ташқари кутубхоналар бошқа филиаллари билан манбаа алмашиниш шаклларини ҳам босқичма босқич электрон кўринишга ўтказиш билан ушбу жараёнларга янгилик ва қўшимчалар киритиш, ҳамда автоматлаштирилган тизимнинг функцияларини кўпайтириш билан биргаликда нафақат маҳаллий, балки унданда катта масштабларда минтақавий ва глобал хизмат кўрсатишга ҳам эришмоқдалар.

Бизнинг мамлакатда ҳам, ривожланган мамлакатлар тажрибасини ўрганиб ишлаб чиқилаётган, ҳамда амалга оширилаётган лойиҳаларнинг барчаси биринчи навбатда инсонларга қўшимча қулайликлар яратиб бериш билан биргаликда, халқаро стандартлар талабига жавобан дунё миқёсидан муносиб ўрин эгаллашга ҳаракат қилинмоқда. Бундай ўтишга албатта аниқ бир қисқа муддат ичида эришилмайди, балки босқичма босқич бир ҳолатни мукаммал эгаллагандан сўнгина иккинчисига ўтиш билан бирга амалга оширилиб борилади.

Шу қаторда ахборотлаштириш ва кутубхонашунослик соҳасида ҳам хужжатларнинг электрон форматга ўтказилиши, электрон ресурслар яратилиш ва уларни ЭКда тақдим этилиши жараёнларига тегишли масалалар амалда ишлаб чиқилмоқда. Шу билан биргаликда электрон ресурслар тақдим этиладиган ЭКлар дастурий таъминотлари ишлаб чиқилмоқда. ЭК ларнинг мавжуд KARMAT(корпоратив ахборот ресурс марказларининг автоматлаштирилган тизими), ИРБИС(интегрированная расширяемая библиотечно-информационная система) каби ДТларда электрон каталоглар тузиб чиқилмоқдаки, уларга тўлиқ матнни қўшиш орқали ЭКларда МБсини ҳам шакллантиришга ва салмоғини ортишига эришилмоқда. Бундан ташқари электрон кутубхоналар яратишда веб дастурлашдан ҳам кенг фойдаланилмоқда. Буларнинг бари ягона мақсадда, яъни кутубхона жараёнларини автоматлаштирилган ҳолатига ўтиш, ҳамда китобхонлар, фойдаланувчиларга кенг имкониятларни тақдим этиш учун амалга оширилмоқда.

**Масаланинг долзарблиги:** Юртбошимиз И. А. Каримов ташаббуси билан республикамизда ахборот технологиялари ва кутубхоначиликка оид қатор қонунларнинг қабул қилиниши билан “ахборотлаштириш ва кутубхонашунослик” соҳасида ҳам кўплаб ислоҳотлар амалга оширилиши, хужжатларни электрон кўринишга ўтказилиши ва уларга дастурий воситалар, яъни электрон кутубхоналар, электрон маълумотлар базаси яратиш масаланинг долзарблигини кўрсата олади.

Мазкур битирув малакавий ишда Озод Шарафиддиновнинг XX асрнинг эллигинчи йилларидан 2004 йилнинг охиригача яратган алоҳида асарлари ва муҳаррирлигида нашр қилинган китоблар, мақолалари, таржималари, ҳаёти, ижодига оид маълумотлар киритилган. Жамланган тўлиқ матнли МБсига эга ЭК яратилган.

**Ишдан мақсад:** Озод Шарафиддиновнинг электрон кутубхонасини яратиш. Бугунги кунга қадар яратилган ЭКлар салмоғига ҳисса қўшиш,

ҳамда илмий-тадқиқот изланувчилари, талабалар ва бошқа фойдаланувчиларга қўшимча қулайликлар яратиш.

**Битирув малакавий ишнинг вазивалари:**

- Электрон кутубхонани яратиш методлари ва дастурларини таҳлили
- Озод Шарафиддинов электрон кутубхонасининг маълумотлар базасини яратиш алгоритмларини шаклантириш
- Озод Шарафиддинов электрон кутубхонасининг АКТда яратиш.

**Битирув малакавий иш таркиби.**

Битирув малакавий иши таркиби кириш, 4 та боб, хулоса, адабиётлар рўйҳати ва иловадан иборат бўлиб, 1 - бобда Электрон кутубхонани яратиш методлари ва дастурларини таҳлилига бағишланган бўлиб, асосий тушунчалар, атамалар ва электрон кутубхоналарнинг веб-сайт кўринишидаги талқини ҳақида сўз юритилган. 2 - бобда Озод Шарафиддинов электрон кутубхонасининг яратиш алгоритмлари, дастурий воситалари, ташкилий тузилмаси ҳақида, 3 - бобда Озод Шарафиддинов электрон кутубхонасини АКТда яратиш ва уни ишга тушуриш, 4-бобда эса ҳаёт фаолияти хавфсизлиги тўғрисида маълумот берилган.

# 1– БОБ. **ЭЛЕКТРОН КУТУБХОНАНИ ЯРАТИШ ТАҲЛИЛИ**

## 1.1.Озод Шарафиддинов ҳаёти ва ижоди



Адабиётшунос, адабий танқидчи О.Шарафиддинов 1929 йил 1 мартда Қўқон яқинидаги Охунқайнар қишлоғида туғилди. Тошкентдаги 14-ўрта мактабни, Ўрта Осиё Давлат университети (ҳозирги ЎзМУ) филология факултетини тугатди (1951). Москвада аспирантурани тугатди, фан номзоди илмий даражасини олди (1955). Озод Шарафиддинов поезия муаммолари билан шуғулланди, ўзбек шеърияти ва унинг ҳолати ҳақида адабий-танқидий мақолалар ёзди. Ўша даврдаги илмий-ижодий, адабий-танқидий изланишлари “Замон. Қалб. Поезия” (1962) асарида ўз аксини топган. XX асрнинг 60-80 йилларида у Чўлпон ҳаёти ва ижодини тарғиб қилишга интилди. О. Шарафиддинов ўзбек адабиётининг Ойбек, Ғафур Ғулом, Абдулла Қаҳҳор, Шайхзода, Миртемир, Зулфия сингари намоёндалари ҳақида адабий портретлар яратди: “Истеъдод жилолари” (1976), “Адабий

эътиқодлар” (1968), “Абдулла Қаҳҳор” (1988), “Биринчи мўжиза” (1979). Олим ижодида ўзга адабиётлар намояндалари ижоди ҳақида яратилган “Яловбардорлар” (1974) адабий-танқидий очерклар китоби муҳим ўрин эгаллайди. О. Шарафиддинов XX асрнинг 60- йилларидан XXI асргача бўлган ўзбек адабий жараёнидаги ҳолатларни “Талант – халқ мулки” (1979), “Адабиёт – ҳаёт дарслиги” (1981), “Гўзаллик излаб” (1985), “Ҳақиқатга садоқат” (1988), “Сардафтар саҳифалари” (1999), “Президент” (2003) сингари асарларида акс эттирди.

Мустақиллик йилларида О. Шарафиддинов ҳам адабий танқидчи, ҳам таржимон, ҳам жамоат арбоби сифатида улкан ишлани амалга оширди. “Чўлпон” (1991), “Чўлпонни англаш” (1994) китоблари, “Эътиқодимни нега ўзгартирдим” (1997) асарларида мунаққиднинг эстетик принсиплари акс этган. Кейинги йилларда О. Шарафиддинов ўзбек адиблари, маданият-санъат арбоблари, олимлар ҳақида ўнлаб мақолалар ёзди. У жаҳон адабиётининг кўплаб намояндалари асарларини ўзбек тилига таржима қилди. [“Кўлмак сувда қуёш парчаси” (франсуаза Саган), “Қадимги хитой насри намуналари”, “Монументал тарғибот” (Вл. Бойнович), “Ал-химик” (Пауло Коелъо) сингарилар]

О. Шарафиддинов XX асрнинг 90-йиллари ўрталаригача Ўзбекистон Миллий университетида профессор бўлди. 1995-1997 йилларда “Тафаккур” журнали бош муҳаррир ўринбосари вазифасини бажарди. У 1997 йилдан бери “Жаҳон адабиёти” журналининг бош муҳаррири. О. Шарафиддинов Беруний номидаги Давлат Мукофоти лауреати (1970), “Буюк хизматлари учун” (1999), “Меҳнат шуҳрати” (1997) орденлари соҳиби. 2002 йил 23 августда О. Шарафиддиновга “Ўзбекистон қаҳрамони” унвони берилди.

Озод Шарафиддинов — ҳозирги ўзбек адабиётшунослиги, танқидчилиги, таржимачилигининг етук намоёндаси. Эллик йилдирки, у ижод қилади, ёш танқидчи, ёзувчи, олим — тадқиқотчилар ишларини ҳануз синчиклаб кузатиб боради. Етмиш олти ёшли Озод Шарафиддинов

Ўзбекистон Қаҳрамони, Беруний номидаги Давлат мукофоти лауреати, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, "Меҳнат шуҳрати", "Буюк хизматлари учун" орденлари соҳиби, Ўзбекистон Миллий университетининг Олтин медалига сазовор бўлган профессор, қанчадан-қанча медаллар, фахрий дипломлар, ёрлиқлар эгаси. Ҳозир Ўзбекистон зиёлилари, маданиятли сиймолари Озод Шарафиддиновни Устоз дейдилар. Тошкент шахрининт шимоли — шарқий чеккасида Феруза мавзеси бор. Устознинг мана шу маскандаги файзли ҳовлиларида деярли ҳар куни мамлакатимизнинг вилояти, туман, шахар, қишлоқларидан келган ёш – қарини, деҳқону зиёлини, эркак – аёлни учратиш мумкин. Булар О.Шарафиддиновнинг собиқ талабалари, таниш – билишлари, адабиёт ва санъат ихлосмандлари, мухлислари. Устоз хонадонидан журналистлар, телевизорчилар, ҳужжатли фильм яратувчи ижодкорлар қадами узилмайди. Ўйлаб кетаман, мамалакатимизда фан арбоблари, лауреатлар, профессорлар, сершогирд устозлар кўп. Лекин уларни халқ яхши билмайди, радиодан гапириб, телевизорда чиқиб қолса, каттаю кичик бир жон, бир тан бўлиб тингламайди. Озод Шарафиддинов мустақилликни интиқлик билан кутган, уни ҳаётининг маъно – моҳияти деб билганлардан. Ўстоз мустақиллик учун курашчилар ҳақида гапириб, ёзиб чарчамайди. Унинг эътиқодича, инсоннинг инсонлиги эрк тантана қилган юртдагина тўла намоён бўлади. Ҳаётнинг қизиқ – қизиқ қонуниятлари бор экан: мустақиллик йилларида О.Шарафиддиновнинг руҳи тетик бўлди, ҳаётга, истиқболга муҳаббати ортди. Аммо жисмоний хасталиклар Устозни қийнади... Руҳ тетик бўлса, жисмоний норасоликлар ҳеч нарса қилолмас экан. Менимча, Озод Шарафиддинов мустақиллик йилларида бир аҳил, ишчан жамоа уддалайдиган ишларни битта ўзи бажаряпти.

Биз Озод Шарафиддинов унвонлари, орденлари, диплому ёрлиқларини бирма–бир санадик. Устоз эл кўзидаги сиймо бўлиб танилганини айтдик. Озод Шарафиддинов нимагаки эришган бўлса, ўз меҳнати, эл – юртга садоқати, истиқлолга эътиқоди туфайли эришди. Қўлингиздаги

библиокўрсаткич – Устоз ҳаёти, ижодининг тиниқ кўзгуси. Эътибор беринг, устознинг танқидчилик, ижтимоий – маънавий – маърифий, таржима соҳасидаги энг йирик асарлари, юзлаб мақолалари истиқлол йилларида яратилди. Мустақилликдан кейингина О.Шарафиддинов меҳнатлари тақдирланди, ўзи эл – юртнинг ардоқли инсони бўлди.

Эллик йилдирки, Озод Шарафиддинов профессор – ўқитувчилик қилади, танқидий мақолалар ёзади, таржима билан шуғулланади. Олий ўқув юртида эътиборли ўқитувчи бўлишнинт ўзи мушкул. О.Шарафиддинов нафақат етук ўқитувчи бўлди, балки 30 га яқин фан номзодини етиштирди, 20га яқин диссертацияларга оппонентлик қилди, ўқув қўлланмалари, дарсликлар яратди. Хомчўтлар шуни кўрсатадики, XX асрнинг бошларидан то ҳозирги кунларгача уч юздан ортиқ танқидчи – озми – кўпми муддат майдонда турди – адабий – танқидий мақолалар ёзди, қизғин баҳсларда қатнашди. Озод Шарафиддинов 30-йиллардаги қирғин – баротларда отилиб кетган, чет элларга кетиб қолган танқидчиларни кўрмаган. Аммо у 20-йиллар танқидчилигида фаол иштирок этган Абдураҳмон Саъдий маърузаларини университетда тинглаган. Ўзбек танқидчилиги, адабиётшунослигининг йирик вакиллари И.Султон, Ҳ.Ёқубов, Ғ.Каримов, В.Абдуллаев сингарилар билан яқин таниш бўлган. Иккинчи жаҳон урушидан кейин танқид майдонига кириб келганларнинг ҳаммаси О.Шарафиддиновга таниш. "Чўлпонни англаш" китобида у XX аср бошидан 40 – йилларгача ижод қилган ўнлаб танқидчилар ҳақида ёзади.

Устоз ўзига тенгдош, издошлар ҳақидагинамас, 90 – йилларда танқидчиликка кириб келганлар тўғрисида ҳам ёзган.

Озод Шарафиддинов XX асрда ижод қилган ўзбек ёзувчиларининг аксарияти ҳақида мақола, тадқиқотлар яратган. Унинг ёзувчилар ҳақидаги тадқиқотлари орасида Чўлпон, Абдулла Қаҳҳор, Ғафур Ғулом, Ойбек, Миртемир, Шайхзода, Зулфия ҳақида ёзганлари ҳам салмоғи, ҳам сони билан етакчилик қилади. Сўнгги йилларда Озод Шарафиддинов нафақат ўзбек

ёзувчилари, танқидчилари ҳақида, балки етук зиёлилар тўғрисида ҳам эсселар яратмоқда.

Озод Шарафиддинов XX аср жаҳон адабиётини нафақат кўп ўқиган, балки ўнлаб, юзлаб шоҳ асарларни уққан, таржима қилган шахслардан ҳисобланади. Унинг шўро давридаги таржималари билан Мустақиллик йилларидаги таржималари орасида катта фарқ бор. Мустақилликдан кейин О.Шарафиддинов Жаҳон адабиётининг, XX асрнинг машҳур асарларини таржима қила бошлади. У XXI асрнинг бошларидаёқ Пауло Коэльонинг "Алхимик", "Бешинчи тоғ" романларини, Ф.Саган, В.Войнович, Кобе Абэ, Васил Биков, Токаси Цудзиннинг қисса, ҳикояларини таржима қилди. Таржимон XX асрнинг машҳур файласуф, социолог, сиёсатшунос, футуролог, нафосатшунос, адабиётшунослари асарларини, буюк сиймолар ҳақидаги эсселарни ўзбекчага ўгирди. Таржима, менимча, танқидчиликнинг юқори босқичи. Таржимон асарни уққач, уни ўзича талқин, таҳлил қилгач, баҳолагач, таржима қилишга киришади. Озод Шарафиддинов ўз таржималари билан жаҳондаги илғор фалсафий – эстетик қарашларни, глобаллашувнинг ижобий ва салбий томонларини ёритиб берувчи нуқтаи назарларни ўзбек ўқувчисига етказмоқда.

О.Шарафиддинов шўро даврида кўпроқ адабий шарҳ, адабий портрет, тақриз, биографик очерк жанрларида ижод қилганини кузатиш мумкин. Унинг "Йиллар ва йўллар" тадқиқот –шарҳи, "Яловбардорлар" биографик очерклар китоби, "Шеър кўп, шоир – чи?" таҳлил – шарҳи, бир қанча адабий портретлари машҳур бўлган эди. Истиқлол йилларида Озод Шарафиддинов кўпроқ эссе жанрида ижод қиляпти. Унинг аксарият эсселари 2004 йилда чоп этилган "Ижодни англаш бахти" ва "Довондаги ўйлар" китобларига киритилган. Маълумки, эсседа мушоҳада, тафаккур юритиш муҳим ҳисобланади: Шўро даврида файласуф, социолог, адабиётшунос, танқидчи эркин, тазйиқ, таъқибларни ҳисобга олмасдан мушоҳада юрита олмас эди. Озод Шарафиддинов "Ҳаётийлик жозибаси, схематизм инерцияси" тақриз –

тадқиқотида шўро давридаги мафкуравий – сиёсий қуюшқонлар ҳақида жиддий фикрларни илгари сурган эди. Мустақиллик ижодкорга, олимга, тадқиқотчига эмин – эркин фикр юритиш имконини берди. Озод Шарафиддинов эсселарида муаллиф услуби, ижтимоий – сиёсий, фалсафий – эстетик қарашлари тўлиқ намоён бўляпти. Кўрсаткичдан китобларга ёзилган сўзбоши, сўнгсўзлар анчагина ўрин олган. Устоз – олим ўнлаб ёш ижодкорлар, мунаққидларга оқ йўл тилаб мақолалар ёзган. У ўзига маъқул асарларга кириш сўз, сўнгсўзлар битар экан, биринчидан, китобхоннинг тишли – тирноқли асар билан танишишини, иккинчидан, ижодкору мунаққидни ҳар хил тўсиқлардан омон – эсон ўтказиб юборишни мақсад қилиб қўйган.

Библиографияда О.Шарафиддиновнинг 30 га яқин китоби, 600 дан ортиқ мақола ва таржималари ҳақида қисқа маълумот берилган. Муаллиф битта мақола, тадқиқот, портрет, эссени ёзиш учун ўнлаб бадиий, қанчадан – қанча илмий асарларни ўқиб, ўрганиб чиққан. Баъзи мақолаларни чоп эттиргунча, баъзиларини эълон қилгач, қанчадан – қанча қаршиликларни енгган, таъна – дашномлар эшитган. Хуллас, Озод Шарафиддинов ижоди – мунаққид, таржимон, устоз –профессорнинг ярим асрлик йўли машаққатли, мураккаб бўлганлиги яққол кўринади. Қувонч шундаки, истиқлол туфайли, ижодкор меҳнатини қадрлай оладиганлар борлиги боис Озод Шарафиддинов қадр – қиммат топди.

Филология фанлари доктори, профессор<br>А.Расулов

## 1.2. Электрон кутубхона асосий тушунчалари ва атамалари

Бугунги кунда “Электрон кутубхона”, “Электрон каталог” тушунчалари тез-тез учрамоқда. Ахборот ресурс марказининг электрон кутубхонаси, электрон каталоги тушунчалари баъзан билиб, кўп ҳолларда эса бу тушунчаларнинг маъносига етмасдан ишлатилмоқда. Хозирда ахборот ресурс марказларида адабиётларни сканерлаш орқали уларнинг электрон шаклга ўтказишни ва оддий классификатсиялаш (алоҳида папкаларга жойлаштириш) орқали электрон кутубхона яратилди деб ўйлаш нотўғри.

Биз компютерлаштирилган, автоматлаштирилган, электрон, виртуал кутубхона тушунчаларини ва уларнинг функсияларини қатъий фарқлай олишимиз керак.

Компютерлаштирилган кутубхона деб – тегишли ҳисоблаш техника воситалари (компютерлар, телекоммуникатсия воситалари ва бошқалар) базавий дацурий воситалар (оператсион сицема, офис иловалари) билан таъминланган, аммо кутубхонадаги асосий ахборот жараёнларини (ахборотларни йиғиш, сақлаш, ишлов бериш, қидириш ва узатиш) автоматлаштириш имкониятини берувчи автоматлаштирилган ахборот кутубхона тизимига эга бўлмаган кутубхонага айтилади.

Автоматлаштирилган кутубхона – бунда, кутубхона жараёнларининг асосий қисми ва ахборот-кутубхона хизмати асосан автоматлаштириш (шахсий компютерлар, серверлар, ташкилий техника воситалари, ихтисослашган махсус дацурий таъминот) ва телекоммуникатсия воситалари ёрдамида бажарилади. Кутубхонада автоматлаштирилган ахборот кутубхона тизими татбиқ қилинган бўлади.

Электрон кутубхона – автоматлаштирилган кутубхонанинг маҳсули бўлиб, у классификатсиялаш ва ахборотларни кодлаштиришнинг ягона тизимига асосланган бўлиб, кутубхонанинг электрон каталоги, аннотатсиялар ва тўлиқ матнли маълумотлар базалари мажмуидан иборат бўлади. Ахборот-ресурс марказининг электрон кутубхонаси-ахборот тизими бўлиб, у маълум

бир қоидалар асосида тизимлаштирилган ва тартиблаштирилган электрон ҳужжатлар фондига (электрон каталог, тўлиқ матнли ва мулътимедиали маълумотлар базалари ва бошқалар) ҳамда ахборотларни сақлаш, ишлов бериш, қидириш ва узатиш имкониятига эга бўлган дастурий комплексга эга бўлади.

Электрон кутубхона: умумий ва локал фойдаланиш учун мўлжалланган, дасурий технологик воситалар комлекси ёрдамида электрон ҳужжатлардан иборат тартиблаштирилган фондни яратиш, фойдаланиш ва сақлашни қўллаб-қувватловчи ахборот системаси.

Виртуал кутубхона  икки ва ундан ортиқ электрон кутубхоналар тизимларини коммуникатсия воситалари ёрдамида бирлаштириб, ахборот-мослик жиҳатдан алоқалар ўрнатилган ва фойдаланувчиларни ахборот манбалари билан таъминлайдиган электрон кутубхоналарнинг тармоқдаги мажмуига айтилади.

Ахборот ресурс марказининг маълумот-библиографик аппарати (МБА) маълумот ва библиографик нашрлар фонди, каталог ва карточкалар системаси, бажарилган маълумотлар фонди (архиви)дан иборат бўлади. У матбуот асарлари ва бошқа ҳужжатларни тарғиб қилиш ва ўқишга мақсадга мувофиқ раҳбарлик қилиш ҳамда керакли ахборотларни тезликда қидириб топишга кўмаклашишга мўлжалланган.

Электрон каталоги бўлмаган электрон кутубхонада керакли адабиётларни қидириш самараси ўта паст даражада бўлади. Шу сабабли ҳам электрон кутубхона яратишда унинг электрон каталогини халқаро талабларни қаноатлантирадиган даражада шакллантириш муҳим аҳамият касб этади. Ривожланган мамлакатлардаги кутубхоначилик иши тажрибаси бу фикрни тасдиқлаб турибди

Электрон кутубхонага берилган баъзи бир таърифларни эслаб ўтайлик Ф.С.Воройский ўзининг  ишида электрон кутубхонага қуйидаги таърифни беради.

Электрон кутубхона бу – фондида электрон шаклдаги ахборотларни сақлайдиган ва улардан фойдаланишни йўлга қўйган кутубхонадир. Кеннет Доулин эса электрон кутубхонани ўзининг 1984 йили эълон қилинган “Электрон кутубхона” номли китобида қуйидагича таърифлайди:

Ресурсларни компютер орқали бошқариш; ахборот таъминотчисини ахборот истеъмолчиси билан электрон каналлар орқали боғлаш қобилияти; зарур ҳолларда ходимларни электрон жараёнларга таъсир кўрсатиш имконияти ва электрон воситалардан фойдаланиб, ахборотларни сақлаш, ишлов бериш ва истъмолчиларга узатиш қобилиятидан иборат.

### 1.3. Электрон кутубхоналарнинг веб-сайт кўринишидаги талқини

Бугун интернетдаги веб-сайтларнинг салмоғи қанчалик кўпайиб бораётган бўлса, улардан фан-таълим, маорифга оидларининг ҳам сони анча таъсирли даражада. ЭКлар глобал тармоқда жуда катта ва фойдали таълим функциясини бажаради. Бепул тақдим этилган электрон асарлар инсонларга уларнинг ёши, ижтимоий ва моддий даражасидан қатъий назар инсониятнинг адабий-бадиий мероси билан танишиш имкониятини беради.

Замонавий шароитларда кутубхоналарнинг веб-сайтлари, ёки онлайн ЭКлар кенг доирадаги масофадаги фойдаланувчиларга ахборот ресурсларини етказиб берувчи муҳим воситага айланмоқда. Амалиётни ҳаётга тадбиқ этишда ахборотлашган жамиятнинг асосий тамойили бу — фан, маданият, ахборотга эга бўлишнинг умумбашарийлигида.

Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритган дастлабки кунларданоқ эркин демократик давлат барпо этиш, халқнинг маънавий бой ва муносиб ҳаётини таъминлашдек эзгу мақсадни амалга оширишга киришди. Бунинг натижасига мисоллар қаторида қабул қилинган қуйидаги қонун ва меъёрий ҳужжатларни ҳам келтириш мумкин: “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги (1993), “Электрон ҳисоблаш машиналари ва маълумотлар базаси учун дастурларни ҳуқуқий ҳимоялаш тўғрисида”ги (1994) қонунлар ва

“Ўзбекистон Республикаси ахборотлаштириш концепцияси” (1994). Кейинроқ миллий ахборотлаштириш тизимини шакллантириш, ахборотдан фойдаланиш бўйича ўсиб бораётган талабларни қондириш мақсадида қуйидаги қонун ва ҳужжатлар ишлаб чиқилиб қабул қилинди: “Электрон тижорат тўғрисида” (2003), “Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида” (2003), “Электрон рақамли ёзувлар тўғрисида”ги (2004) қонунлар, “Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони ва “Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг қарори (2002).

Ахборот ва Интернет технологияларининг ривожланиши, кутубхоналарга ўз ресурсларини тартибга келтириш, электрон маълумотлар базасини яратиш, ахборот ресурсларини кооперациялаш, уларга эркин кириб, фойдаланишни таъминлаш имконини берди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 20 июндаги “Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида”ги қарори кутубхоначилик ишида ахборот ва телекоммуникация технологиясини ривожлантириш ва такомиллаштиришга қаратилган. Бундан ташқари "Ахборот-кутубхона фаолияти тўғрисида"ги 2011 йил 4 мартда қабул қилинган ва 13 апрельда кучга кирган қонуннинг мақсади ахборот-кутубхона фаолияти соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат, ҳамда ушбу қонунда кутубхоналарга тегишли барча меъёрлар белгилаб берилган. Шунингдек қонуннинг 11,12-моддаларида АКМ ва АРМ ларнинг вазифалари белгилаб берилган ва шу қаторда ЭК ва электрон каталогларни шакллантириши кўрсатилган. Шу жиҳатдан, кўпгина АКМ ва АРМлар ўзларида мавжуд ДТларда электрон каталог, тўлиқ матнини қўшиш билан ЭК, ҳамда кутубхоналарнинг нафақат республикадаги, қолаверса бутунжаҳон глобал тармоғида мавқеъини ошириш, фойдаланувчилар сонини

кўпайтириш, имконияти чекланган ва масофадаги фойдаланувчиларга хизмат кўрсатишни йўлга қўйиш мақсадида тўлиқ матнли МБ мавжуд, электрон каталогга эга ва турли интерактив хизматларни тақдим этувчи веб-сайтларини яратмоқдалар ва интернет глобал тармоғига жойлаштирмоқдалар.

Ўзининг тасарруфидаги веб-сайтини яратиш жараёни ва юритилиши жудаям узоқ вақт ва машаққат талаб этади. Веб-сайт ўз ичига бирданига бир неча кўринишдаги алоҳида иш жараёнларини олади:

- Сайт дизайнини ишлаб чиқиш концепцияси.
- Бўлажак сайтнинг схемаларини яратиш.
- График безакларни яратиш.
- Сайт контенти — таркибий қисмини тайёрлаш.
- Материалларни алоҳида саҳифаларга бўлиб жойлаштириш.
- Динамик сайт учун МБ яратиш ва уни тўлдириш.
- Сайтни тармоқда жойлаштиришга хост танлаш, ҳамда тайёр сайтни интернетга уланишини таъминлайдиган масофадаги серверга кўчириш.
- Сайтнинг домен номини қайддан ўтказиш.
- Сайтни қидирув тизимларида қайддан ўтказиш, биринчи раскрутка.
- Кейинги силжишлар, сайтнинг реклама воситалари.
- Матералларни доимий янгилаб туриш.

Катта ташкилотларда юқоридаги барча босқичлар, одатда автоматлаштириш ишлари билан шуғулланувчи бўлимнинг бир нечта ходимларига тақсимланади:

- Администрация билан биргаликда *матн муҳаррири* ва *реклама қилувчи* сайт концепциясини ишлаб чиқишади, ҳамда матнлар тузадилар.
- Профессионал *веб-дизайнерлар* кўз илғайдиган тимсолларни акс эттирувчи ғоялар берадилар.

- *HTML–кодловчи* саҳифаларнинг тартибланганлиги ва созлиги, ҳамда софлигига жавоб беради.
- *Веб–дастурчи* сайтни янги функционал имкониятлар билан таъминлайди.
- *Веб–мастер* тайёр лойиҳани жойлаштириш ва янгиланишлар назоратиги жавоб беради.

Марказлаштирилган кутубхона тизимлари молиявий шароитига кўра юқорида санаб ўтилган мутахассислар хизматидан фойдалана олишмайди, шу сабабдан ушбу жараёнларнинг барисини сайт яратиш бўйича маҳсус курсларни тамомлаган ёки ўзи ўқиб ўрганган кутубхона ходимлари орқали амалга оширишга тўғри келади. Кутубхона сайти бир пайтда мутахассис ва фойдаланувчилар ўртасидаги мулоқот воситаси бўлганлиги учун, унинг яратилишида уни ишлаб чиқиш билангина чекланмай, китобхоналар ва ҳамкасблар учун ҳам қизиқарли қилиш учун кутубхоначи – мутахассислар лойиҳавий гуруҳи бўлиши муҳим. Кутубхона веб-сайтини ёки веб-сайти кўринишида электрон кутубхона яратишдек масъулиятли ишга қўл уришдан аввал, ушбу жараёнда қандай босқичларнинг биринчи даражадалигини, қайсиларини кейинроқ ҳал қилиш кераклиги аниқлаб олиш зарур.

Бугун фойдаланувчилар онгида қандайдир англашилмовчилик ўрнашиб қолган, негадир —яхши веб-дизайн — муваффаққиятнинг ягона ва муҳим омили, деган хулоса анъанга кирди. Албатта, бунинг кўпгина жиҳати дизайнерлар ўзининг «пиар–компания»ларига боғлиқ ҳолда келиб чиқди. Бироқ, сайт оддий маҳсулотдан ажралиб туради. Бунда яхши тушуниш керак: таркиби бўйича зерикарли сайтни ҳеч қандай дизайн қутқармайди. Аксинча, истеъдодли муаллифга “фақиргина” безакни ҳам кечиришади. Шундан келиб чиқиб иерархик этапларни аниқлаш мумкин: биринчидан **—таркиб,** иккинчидан эса**—реклама** ва ундан кейин дизайн.

Ҳозирда интернет жуда кўплаб, миллионлаб веб-сайт яратиш хусусидаги турли хил китоблар, ўқув дастурлари, видеоролик ва бошқа

маълумотлар кун сайин кўпаймоқда. Уларнинг амалиётини ўрганиб чиққач, веб-сайтларга бўлган умумий талабларни келтириш мумкин. Улар қуйидагича:

- веб-сайт таркибининг теранлиги;
- йўналтиришнинг соддалиги;
- ахборотлар янгиланиб туриши оперативлиги. Сайт доимий янгиланишни талаб этади, шундагина у кўрилиш давомийлигига эришади. Фойдаланувчиларга сйтда янги нашрларни топишига йўлланма беришнинг бир неча усули мавжуд: алоҳида "Янгиликлар" бўлимини яратиш ва ундаги нашрлар санасини кўрсатиш ва бошқалар.
- Фойдаланувчиларга тушунарлилик;
- Барча бўлимларнинг дизайни бир-хиллиги.

Электрон кутубхонани веб-сайт кўринишида яратилса, ушбу сайт қуйидаги бир неча вазифаларни бажариши керак:

1. *Таништирув, имидж сифатидаги вазифаси.* Сайт бу — Т.Ф.Бекмуратов ҳақида маълумотлар, ҳамда унинг асарлари, мақолалари, илмий ишлари жамланган интернетдаги расмий вакили.

2. *Таълим бериш вазифаси:* Сайт бу —интернетда ўқиш, ўрганиш учун маълумот берувчи ташкилот тури. У масофавий таълимнинг ягона кўриниши, ҳамда таълим жараёнида электрон материаллар билан таъминлайди.

3. *Ахборот вазифаси.* Сайт бу — йилма- йил нашр этилган ва нашр қиланиган асарлар маълумотлар тўғрисида маълумот берувчи восита, яъни каталог таркибида метамаълумотлар ҳам келтирилади.

**Сайтнинг Электрон Кутубхонага тақдим этилаётган имкониятлари:**

➢ *FTP-сервер электрон илмий маълумотлар омбори, ресурслар* ***ПДФ*** *форматда.*

- *World Wide Web - керакли ахборотга интернетнинг исталган нуқтасидан туриб эга бўлиш воситаси.*

**Интернет веб-иловасининг юритилиши шартлари таҳлили**

Веб-илова — *клиент-сервер илова бўлиб, унда браузер клиент сифатида, веб-сервер эса сервер вазифасини бажаради.* Веб-илованинг моҳияти сервер ва клиент(мижоз)ни ўз ичига олади. Маълумотлар серверда сақланади, ахборот алмашинуви тармоқда амалга оширилади. Бунинг қулайлиги шундан иборатки, мижозлар фойдаланувчининг муайян операцион тизимига боғлиқ бўлмайди, шунинг учун веб-илова платформалараро сервис ҳисобланади.

**Техник хусусиятлари.**

Браузернинг стандарт вазифалари қўллаши учун веб-иловаларининг яратилиши афзаллиги шундаки, барча функциялар ушбу клиент операцион тизимига боғлиқ бўлмаган ҳолда бажарилиши лозим. *Microsoft Windows, Mac OC X, GNU/LINUX* лар ва бошқа операцион тизимлар учун турли ҳил версиялар яратилиш ўрнига илова танланган платформа учун бир. марта яратилади ва унда шакллантирилади. Бироқ, *HTML, CSS, ДОМ* ва бошқа спецификацияларнинг браузерда турлича юритилиши веб-иловаларни ишлаб чиқишда ва кейинги қўллашда турли муаммоларни келтириб чиқариши мумкин. Бундан ташқари, фойдаланувчи барузернинг кўпгина параметрларини(шрифт ўлчами, ранглар, сценарийлар қўлланилишини ўчириш) созлаш имконияти илованинг тўғри ишлашига ҳалақит бериши мумкин.

**Сайт яратишнинг асосий дастурлаш тиллари**

Сайт яратиш учун жудаям кўплаб технологиялар қўлланилади, уларнинг асосийлари эса HTML, CSS, Javascript ва PHP, MySql.

HTML – барча сайтларнинг асоси ҳисобланади. Қолган тиллар унинг ишини енгиллаштириш ва сайт имкониятлари, қизиқарлилиги ортиши учун қўлланилади. HTML (Hyper Text Markup Language) ёрдами билан саҳифада

барча кўриниб турадиган элементлар(тугма, ҳаволалар, расмлар ва ҳ.к.) жойлаштирилади ва тақдим этилади. HTML ўрганиш учун мураккаб бўлмаган тил ва уни ўрганиш учун махсус дастурлаш малакасига эга бўлиш шарт эмас.

CSS саҳифалар кўринишини яхшилаш ва дизайн яратишни енгиллаштириш учун HTML билан биргаликда қўлланилади. Масалан, унинг ёрдами билан интерфейс эффекларини яратиш мумкин.

Javascript – сайтлар яратиш учун махсус ишлаб чиқилган дастурлаш тили. У фойдаланувчилар билан алоқа ўрнатувчи интерактив саҳифаларни яратиш имконини беради. Лекин сценарий кодлари мижоз томонида бажарилади, бу эса анча мураккабликларни келтириб чиқаради.

PHP – кучли дастурлаш тили, ҳамда веб-иловалар яратиш мақсадида ишлаб чиқилган. Javascriptдан фарқли томонлари: кўпроқ имкониятларга эгалиги, сценарий кодлари серверда бажарилади.

Яхши сайт яратиш учун келтирилган барча тилларни қўллаш мақсадга мувофиқ.Сайт яратишнинг барча усулларини шартли равишда икки гуруҳга ажратиш мумкин: а) барча сценарийларни веб-дастурлаш тилларининг бир нечтасини баравар ишлатиб қўлда ёзиб чиқиш мумкин.бунда оддий, матнли редакторлар билан биргаликда, визуал *HTML* ва *CSS* ларини ҳам қўллаш мумкин. Статик сайт яратилишида қўлда ёзилиши учун *HTML* ва *CSS* боғлиқлигини қўллаш, ҳамда *Javascript*ни ҳам қўшиш етарли. Динамик сайтларни яртишда эса *PHP, ASP.NET* ва *MySql* сервер таъминотларини қўллаш шарт. Қўлда киритиш усулидан фойдаланганда сайтнинг дизайни(график безаклари) ҳам шундай яратилати. Бунда исталган график редакторларидан фойдаланиш мумкин. Тайёр дизайн шаблонларидан фойдаланиб, уларни ўзимизга мос ҳолатга қўлда ўзгартириб чиқиш ҳам мумкин; б) сайт конструкциясини тузишда автоматлаштирилган дастурлар ма вжуд бўлиб, улар ишни анча енгиллаштиради (Дреамwеавер). Динамик сайтлар яратишда албатта уларсиз иш битмайди. Яна интернетда ҳам бундай

конструкторларнинг салмоғи кўп, бироқ уларнинг имконият даражалари чеклангандир. Сайтнинг барча саҳифалари ва файллари яратилгач, сайтнинг домен номини танлаш ва домен номларни тақдим этувчи ва қайддан ўтказувчи ташкилот ёки сайтга мурожаат қилиш ва қайддан ўтиш шарт. Сайт яратилган компьютер локал серверидан файлларни узоқ серверга жойлаштириш керак. Узоқ сервер хостинг тақдим этади ва сайт кечаю кундуз ишлашини таъминлайди.

1 – боб бўйича қисқача хулоса

Боб юзасидан хулосаларни келтирар эканмиз, бобда аввало ЭК яратилиши моҳияти, унинг ривожланиши тарихи ўрганиб чиқилди. ЭК оид барча назарий маълумотлар ўрганилди. ЭК МБ сақланувчи ЭР лар форматлари текшируви ўтказилди. ЭК халқаро форматлари, шунингдек хориж амалиёти таҳлил қилинди. Юртимизда ахборот-кутубхона фаолиятига оид қабул қилинган қонунлар, ҳамда муаллифлик ҳуқуқига оид қонунлар ҳам ўрганилиб чиқилди ва баён этилди. Шунингдек, электрон ресурслар глобал тармоқдаги аҳамияти, фойдаланувчилар категорияси ҳам аниқланди. ЭК яратишда веб-дастурларнинг фойдали томонлари ёритилди. Веб-дастурларнинг тақдим этадиган имкониятлари, уларнинг бошқа дастурлаш тиллари билан боғланиш имкониятлари таҳлил этилди.

# 2 - БОБ. ОЗОД ШАРАФИДДИНОВ ЭЛЕКТРОН КУТУБХОНАСИНИНГ МАЪЛУМОТЛАР БАЗАСИНИ ЯРАТИШ АЛГОРИТМЛАРИ

## 2.1. Озод Шарафиддинов электрон кутубхонасининг функционал ва ташкилий тузилмаси

Албатта функционал структура тушунчаси бирор бир ташкилот, орган ёки структуралашган ташкилотнинг бир бўлагига нисбатан қўлланилади. Бизнинг масалада ЭКнинг ФСини таҳлил этиб тузиб чиқишдан аввал функционал структура сўз бирикмаси ёки атамасининг изоҳини келтириб ўтамиз.

**Функционал структура** (ингл. *фунстионал струстуре*) — иш *фаолияти* жараёнининг функционал *элементлари* орасидаги боғлиқликлар қонуни. *Элементлар* деганда ва фазаси ёки ҳаракатлари йўналтирилганлик маъносидаги фаоллик даври ва сатҳда чегараланган фаолият жараёнлари тушунилади.

Психик фаолиятнинг тизимли тавсифида методологик жиҳатдан таянч нуқталар бўлиб қуйидагилар хизмат қилади:

- Элементлар типологияси (қидирув, таниш моддий ёки маҳсулий функцияларга йўналтирилган);
- Элементлар орасидаги муносабатларнинг типлари (генетик, функционал ва бошқа) улар элементларнинг ўзаро боғлиқлигининг тартибини характерлайди.

Элементларни бош ва иккинчи даражали деб ажратиш мумкин, функционал структуранинг турли даражаларига турли хил элементлар мос келади. Юқори даражада бажарилган функциялар шаклида элементларни ташкил этиш қоидасига кўра нисбатан алоҳида дифференциялашган бўлади. Функционал тузилманинг элементлари муносабатлари тушунчаси фаолиятнинг мураккаб шаклини тавсифлаш учун восита сифатида хизмат

қилади. Бу воситалар фаолият турларининг объектив характеристикасини ва уларнинг амал қилиш хусусиятларини акс эттириш учун ҳам қўлланилади. Улар фаолиятни мумкин бўлган муносабатлар ва алоқа типлари орасидаги ўзаро бирлик тизими каби тақдим этишга имкон беради.

Автоматлаштирилган кутубхонани функционал структураси.




**Сайтнинг функционал структураси**

**Администратор** – администратор вазифалари кўп функционалли бўлиб, у электрон ресурларнинг тавсифларини дублин ядроси стандартига кўра МБ майдон ва майдоностиларига киритади. Электрон ресурс тўлиқ матнини ҳам МБсига қўшади. Электрон кутубхонанинг дастурий таъминоти(сайт)ни барча жараёнларини бошқаради ва назорат қилади. Сайтнинг интерфейсини, МБ сини  доимий равишда янгилаб боради. Фойдаланувчиларни рўйҳатдан ўтказади.

**Метамаълумотларни қўшиш** – ресурснинг библиографик тавсифлари ҳақида маълумот берувчи ахборотларни қўшиш. Ушбу тавсифлар ДЯ

стандарти квалификаторларига мослаб танлаб олинган ва MySql дастурлаш тилида яратилган майдонларга киритилган, ҳамда МБсига қўшилган.

**Тўлиқ матн қўшиш** – ресурснинг электрон форматини МБсига қўшиш. Ресурснинг электон формати нашрларнинг босма кўринишини маҳсус қурилмалар (сканер) орқали электрон кўринишга кўчирилиши орқали вужудга келади. Сканерланган файлни таҳрирлаймиз ва мақбул форматда сақлаймиз. Бунда албатта файл кейинчалик қайси мақсадларда қўлланилишига аҳамият бериш лозим.

**МБ** – маълумотлар базаси. Электрон кутубхонанинг асосий электрон ресурс таъминоти. Барча метамаълумотларни ва ЭРларнинг тўлиқ матнларини ўзида жамлайди. Администратор томонидан янгиланиб, таъминлаб турилади. Фойдаланувчи сўровига биноан ЭР ларни тақдим этади. Сайтнинг ядроси деб айта олишимиз мумкин.

**Қидирув** – аввало фойдаланувчи вақти сарф бўлмаслиги ва керакли ресурни тезроқ топишига ёрдам бериш ва қўлайлик яратиш учун ишлаб чиқилган. Фойдаланувчи сўровига кўра(сарлавҳа, ҳаммуаллиф, нашр йили, нашриёт, нашр жойи ва ҳ.к) каталогга ва ундан сўнг МБсига мурожаат қилади. Фойдаланувчи қидирган маълумот бўлса унинг метамаълумотлари ва мавжуд ТМни чиқариб беради.

**Ташкилий тузилма**(ингл. *Организатионал струстуре*) — шундай усуллар мажмуики, улар ёрдамида меҳнат жараёни аввал алоҳида иш масалаларига бўлинади, ундан сўнг масала ечимига кўра ҳаракатлар мувофиқлигига эришилади (Генри Минцберг, “Тузилма муштда”). Меҳнат моҳиятига кўра ташкилий тузилма ташкилот ичидаги масъулиятлар ва ваколатлар тақсимланишини аниқлайди. Қоидага кўра ташкилий тузилма органиграмма (ингл. *органиграм*-тизим ташкилий тузилмаси блок-схемаси) — ташкилот бирликлари (бўлимлар, лавозимлар) иерархик тартибланган график схема кўринишида тасвирланади.

**Ташкилий тузилма** – муассаса бўлимларининг саноқли ва сифатли таркибини ўрнатадиган, ҳамда уларнинг ўзаро алоқадорлиги тартибини схематик тасвирлайдиган хужжат. Ташкилот структураси ташкилот томонидан ечилаётган масала таркиби ва ҳажмидан, ташкилотда юзага келган ахборот ва хужжат оқимларининг йўналтирилганлиги ва интенсивлигидан, ҳамда унинг ташкилий ва моддий имкониятларидан келиб чиқиб аниқланади.

## Ташкилий тузилмалар типологияси

Ташкилий тузилманинг *энг таниқли типология* мезони этиб жавобгарликни (жавобгарликни гуруҳлаш усули) тақсимлаш олинган. Қуйида яна бир қанча типологиялар келтирилган:

- Иерархик;
- Чизиқли;
- Чизиқли-штабли;
- Функционал;
- Соддалаштирилган матрицали;
- Мувозанатланган матрицали;
- Кучайтирилган матрицали;
- Лойиҳавий;
- Жараёнли.

**Автоматлаштирилган кутубхона базасини ташкилий структураси.**




1. Директор томонидан турли хилдаги хужжатларни каталоглаштириш тўғрисидаги меъёрий хужжатлар тасдиқланади. Каталоглаштириш нормалари белгиланади ва тасдиқланади. Бўлимлар фаолияти мувофиқлаштирилаши, бошқарилади ва назорат қилинади.

2. Директор о`ринбосари маъмурият томонидан бўлимлар фаолиятини бошқарилади, мувофиқлаштиради, назорат қилади. Меъёрий ҳужжатлар тайёрланади.

3. Ахборот ресурс бўлими- Бу бўлим орқали китобхонларга кутубхонани электрон каталоги ва Интернет орқали ҳизмат кўрсатилади.Шу ерни ўзида Интернет тармоғи ва электрон каталогдан керакли маълумотлар принтер ва сканер мосламаси орқали чиқариб олинади.Китобхон кам вақт сарфлаб керакли ахборотни тез оладилар.

4. Каталоглаштириш бўлими- Адабиётларни элестрон кўринишдаги базасини элестрон каталогини яратувчи бўлим.

5. Хизмат кўрсатиш бўлими- Бўлим кутубхонанинг асосий юраги хисобланади. Айнан шу бўлим орқали китобхонларга беминнат хизмат кўрсатилади, керакли маслаҳатлар ва тавсиялар берилади.

6. Илмий библиография-Илмий библиография ишлари, яъни библиографик кўрсаткичлар, академия олимларининг библиографияларини тузиш ва оғзаки маълумотлар тайёрлаш, библиографик маълумотлар йиғиш ишларини амалга оширади.

7. Фонд- Айнан шу бўлим кутубхонанинг асосий фонди, нодир адабиётларни сақлаш ва уларни жойлаштириш ишларини амалга оширади.

8. Адабиётларни электрон кўринишга ўтказиш- адабиётларни сканерлаб электрон кўринишга ўтказади.

## 2.2. Озод Шарафиддинов электрон кутубхонасини яратиш ва қидириш алгоритмлари

Алгоритм сўзи ва тушунчаси IX асрда яшаб ижод этган буюк аллома Муҳаммад ал-Хоразмий номи билан узвий боғлиқ. Алгоритм сўзи Ал-Хоразмий номини Европа олимлари томонидан бузиб талаффуз қилинишидан юзага келган. Ал-Хоразмий биринчи бўлиб ўнлик саноқ системасининг тамойилларини ва ундаги тўртта амалларни бажариш қоидаларини асослаб берган.

1. Алгоритмнинг сўзлар орқали ифодаланиши. Бу усулда ижрочи учун бериладиган ҳар бир кўрсатма жумлалар, сўзлар орқали буйруқ шаклида берилади.

2. Алгоритмнинг формулалар билан берилиш усулидан математика, физика, кимё каби аниқ фанлардаги формулаларни ўрганишда фойдаланилади. Бу усулни баъзан аналитик ифодалаш дейилади.

3. Алгоритмларнинг график шаклида тасвирланишида алгоритмлар махсус геометрик фигуралар ёрдамида тасвирланади ва бу график кўриниши блок-схема дейилади.

4. Алгоритмнинг жадвал кўринишда берилиши. Алгоритмнинг бу тарзда тасвирланишдан ҳам кўп фойдаланамиз. Масалан, мактабда қўлланиб келинаётган тўрт хонали математик жадваллар ёки турли хил лотереялар жадваллари. Функсияларнинг графикларини чизишда ҳам алгоритмларнинг қийматлари жадвали кўринишларидан фойдаланамиз. Бу каби жадваллардан фойдаланиш алгоритмлари содда бўлган туфайли уларни ўзлаштириб олиш осон.

Юқорида кўрилган алгоритмларнинг тасвирлаш усулларининг асосий мақсади, қўйилган масалани ечиш учун зарур бўлган амаллар кетма-кетлигининг энг қулай ҳолатинни аниқлаш ва шу билан одам томонидан программа ёзишни янада осонлаштиришдан иборат.

Админитратор МБ сига асар тавсифи ва тўлиқ матнини киритиш блок – схемаси



Avtomatlashtirilgan elektron kutubxona ma`lumotlar bazasidan ma`lumotlarni qidirish blok-sxemasi.



## 2-боб бўйича қисқача хулоса

Ушбу бўлим малакавий битирув ишининг дастурий таъминотгача бўлган барча тайёргарликларини қамраган бўлиб у ўз ичига дастурнинг алгоритми, функционал, ташкилий структуралари ва масалалар схемаси мужассамлаштирилган. Ҳар бир қилинган ёки қилинаётган дастур ушбу қисмларсиз талабга жавоб бермайди чунки бу қисимлар дастурнинг фундаменти (скелети) ҳисобланади. Ушбу схемалар орқали қилинаётган ёки қилинган дастур ҳақида тўлиқ маълумотларга эга бўлишимиз мумкин.

# 3 - БОБ.ОЗОД ШАРАФИДДИНОВ ЭЛЕКТРОН КУТУБХОНАСИНИ АКТда ЯРАТИШ

## 3.1. Озод Шарафиддинов асарларини АКТда каталоглаштириш

Электрон шаклдаги ахборотларни яратиш, сақлаш, қидириш ва уларни исътемолчиларга етказиб бериш кундан-кунга мураккаблашиб бормоқда. Ахборотлардан фойдаланувчилар керакли ахборотларни тезликда қидириб топиш ва ўзларига мақъбул шаклда бу ахборотларга эга бўлишни хоҳласалар, ахборот яратувчилар эса ўзлариниг муаллифлик ҳуқуқларини ҳимоя қилинишини, менеджерлар эса электрон маълумотларни бошқаришда кураторлик мажбуроятларни ўз зиммаларига олишни (масалан, ахборотларни узоқ муддатли сақланишини таъминланишини) истайдилар. Мутахассисларнинг фикрича маълумотлар тўғрисидаги маълумотлар яъни метамаълумотлар юқоридаги муаммоларни ҳал қилишда асосий ролни ўйнаши мумкин.

Республикамиз Президентининг 2006 йил “Аҳолини кутубхона ахборот билан таъминлашни ташкил этиш” тўғрисидаги қарори ижросини таъминлаш борасида кутубхоначилик иши соҳасида бир қатор ишлар амалгам оширилди. Қарорда кўзда тутилган янги типдаги ахборот - кутубхона, ахбоорт ресурс марказларини (АКМ, АРМ) ташкил қилиш, катта маблағ ва вақт талаб қиладиган мураккаб масала ҳисобланади. Маълумки замонавий талабларга жавоб берадиган кутубхонада автоматлаштирилган кутубхона-ахборот тизимини(АКАТ) яратмасдан туриб қарорда кўзда тутилган вазифаларни тўлиқ бажариш мумкин эмас. АКАТнинг таъминотлари (дастурий, техник, ахборот,, лингвистик, ташкилий-технолигик ва кадрлар) орасидан бугунги кунда кўпчиликнинг эътиборида турган бу дастурий таъминотдир.

Шундай қилиб, АРМ, АКМ ва кутубхоналардаги асосий ахборот жараёнларини автоматлаштириш имкониятини берувчи дастурий воситалар комплексини яратиш масаласи кутубхоначилик иши соҳасида фаолият олиб

борувчи мутахасислар томонидан ҳал қилинадиган ўта долзарб масалардан бирига айланди. Ахборот - ресурс марказлариниг каталоглаштириш соҳасидаги фаолиятларини муофиқлаштириш, ҳамкорликда элестрон библиогарфик ресурслар яратиш ҳамда таълим муассасаларидаги АРМларга татбиқ қилишга жуда катта эҳтиёж туғилди. Ҳозирда “Корпоратив ахборот-ресурс марказларининг автоматлаштирилган тизими (KARMAT)” таълим тизими соҳасида фаолият олиб бораётган кутубхоначилар меҳнатини енгилаштиришга, китобхонларга кўрсатилаётган хизмат сифати ва маданиятини юксалтиришга ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда.

KARMAT тизиминиг тузилмаси модул принсипи асосида ташкил қилинганлиги туфайли, унинг базавий ядросини библиографик маълумотларга ишлов берувчи универсал протседуралар ташкил қилади. Тизим янги модуллар қўшилиши ҳисобига турли типдаги АРМ, АКМ ва кутубхоналарга ва илмий-техника ахборотларига ишлов берувчи тизимларга мослаштирилиши мумкин. Тизимн ишлаб чиқиш бир неча йўналишларда иш олиб бормоқда:

KARMAT-M – Мактаб АРМ фаолиятини автоматлаштиришга мўлжалланган;

KARMAT-ИТА – Илмий техника адабиётлари электрон кутубхонаси;

KARMAT-АК – ОУЮ/Академик лицей/Коллеж АРМ лари учун;

KARMAT-У – АРМ, АКМ ва кутубхоналар;

KARMAT-К – Корпоратив каталоглаштириш, йиғма ЭК.

Бугунги кунда тизимнинг асосий (базавий) модуллари ишлаб чиқилди. Модуллар кутубхонадаги асосий ахборот жараёнларини (ахборотларни йиғиш, ишлов бериш, сақлаш, қидириш ва узатиш) автоматлаштириш имкониятини беради.

“Каталоглаштирувчи” нинг автоматлаштирилган иш жойи (АИЖ).

“Китобхоннинг шахсий электрон кабинети" Китобхон учун АИЖ.

“Китоб бериш ва қайтариб олиш” билан шуғулланувчи ходимнинг АИЖ.

“Фондни бутлаш” билан шуғулланувчи ходимнинг АИЖ.

"Тизимни бошқариш/юритиш" билан шуғулланувчи ходимнинг (Администраторнинг) АИЖ.

Каталоглаштирувчининг АИЖ асосан тизимнинг электрон каталоги (ЕК) базасини шакллантиришга мўлжалланган бўлиб, бу ерда кутубхона фондига келиб тушаётган адабиётларга библиографик ишлов бериш ва китобхонларнинг электрон формуляри яратилади.

KARMAT тизими локал ва глобал тармоқларда, ИБМ ПС компютерлариниг Windows ХП оператсион тизимида ишлай олади. Тизим аппарат воситаларига нисбатан ҳеч бир қўшимча талаблар қўймайди.

Тизимнинг дастурий таъминоти PHP технологиясида, маълумотлар базаси сифатида эса МББТ (маълумотлар базасини бошқариш тизими) MySql ишлатилган.

Бундан ташқари тизимни ишлатиш учун Апаче веб сервери керак бўлади. Юқорида санаб ўтилган Апаче веб сервери, PHP технологияси ва МББТ MySql ларнинг барчаси очиқ систамалидир, яъни ишлатиш ва ўзгартириш бепул. Ҳозирда юқоридаги тизимларнинг барчаси KARMAT тизими таркибига компонент сифатида киритилган. Тизим керакли дастурларни созлаш ва ўрнатишни автоматик тарзда бажаради, фойдаланувчидан уларни ўрнатиш ёки созлаш каби ишларни бажариш талаб қилинмайди.

*KARMAT тизимининг афзалликлари:*

- Корпоратив каталоглаштириш технологиясининг мавжудлиги тайёр библиографик ёзувлардан фойдаланиб тезда ва сифатли ўз ЭК базасини шакллантириш имкониятини яратади;
- Тизим Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида яратилган авторитет файллардан фойдаланиши ҳисобига

каталоглаштириш жараёни тезлашади, муаллифларнинг исми шарифини (тахаллусларини), сарлавҳаларни киритишда бундай ёндошув биринчидан каталоглаштириш жараёнини тезлаштирса иккинчидан йўл қуйилиши мумкин бўлган хатоликларнинг олдини олади;

- Тизимда китобхонларга масофадан хизмат кўрсатиш технологиясини амалга оширилганлиги китобхонларнинг бевосита кутубхонага келмасдан электрон каталогдан фойдаланиб ва фойдаланмай буюртмалар бериш ва буюртмаларни қабул қилинганлиги, уларнинг бажарилиши тўғрисидаги ахборотларни олиш имкониятини яратган;

- Тизим библиографик тавсиф яратишда Ўзбекистонда ишлаб чиқилган (халқаро) стандартлар тизимига риоя қилади;

- Тизим ишлатиш учун жуда қулай бўлиб, у Ўзбекистон кутубхоначиларининг бугунги кундаги малака ва кўникмаларини эътиборга олиб яратилган;

- Тизимдан фойдаланувчилар учун содда ва барчага тушунарли тилда услубий қўлланма (ўзбек ва рус тилларида) яратилган;

- Тизимни тадбиқ қилиш, АКМ, АРМ ва кутубхона ходимларини тизимни бошқаришга ўргатиш мақсадида махсус ўқув курслари ташкил қилинган. Келажакда масофадан ўқитиш тизимини ишга тушириш мўлжалланмоқда;

- Тизим таркибига киритилган майдонларни яратувчи махсус “Конструктор” иҳтиёрий типдаги ва керакли хоссага эга бўлган майдонларни туза олади. Бу эса ўз навбатида ички ва ташқи форматларни кутубхона технологияларига мослаб лойиҳалаш имкониятини яратади;

- Електрон каталог базасини шакллантирувчи каталоглаштирувчи учун ЭК майдонларига киритилаётган маълумотлар тўғрисида ахборот (ёрдам) берилган. Майдонга киритилаётган маълумотлар шакли мисоллар орқали кўрсатилган.

- Електрон каталог базасини шакллантиришда маълумотномалар (динамик базалар)дан фойдаланиш ЭК базасини тўлдириш жараёнини тезлаштиради ва тайёр маълумотлардан фойдаланиш йўлга қўйилганлиги туфайли хатоликлар камаяди.
- Тизим ахборотларни АКАТ базасига киритишда ва уларни тармоқ бўйича узатишда халқаро кутубхона-библиографик ва коммуникатив форматларни, таснифлаш тизимлари ҳамда кодлаштириш қоидаларини (КБК, УЎК, УНИМАРС, МАРС21, УСМАРС ва бошқаларни) қўллаб-кувватлайди. Бу эса ўз навбатида бошқа тизимлардан библиографик ёзувларни кўчириб олиш ва жаҳон ахборот-кутубхона тармоғи билан интеграллашувга имконият яратади.

Тизимини ишга тушириш ва унинг бош саҳифаси

- Тизим локал ва глобал тармоқларда, ИБМ ПС компютерларининг Windows ХП оператсион тизимида ишлай олади. Тизим аппарат воситаларига нисбатан ҳеч бир қўшимча талаблар қўймайди.
- Тизимнинг дастурий таъминоти PHP технологиясида, маълумотлар базаси сифатида эса МББТ (маълумотлар базасини бошқариш тизими) MySql ишлатилган. Бундан ташқари тизимни ишлатиш учун Апаче веб сервери керак бўлади. Юқорида санаб ўтилган Апаче веб сервери, PHP технологияси ва МББТ MySql ларнинг барчаси очиқ системалардир, яъни ишлатиш ва ўзгартириш бепул. Ҳозирда юқоридаги тизимларнинг барчаси KARMAT-M тизими таркибига компонент сифатида киритилган. Тизим керакли дастурларни созлаш ва ўрнатишни автоматик тарзда бажаради, фойдаланувчидан уларни ўрнатиш ёки созлаш каби ишларни бажариш талаб қилинмайди.
- Тизим электрон каталогининг маълумотлар базаси адабиётларнинг библиографик ва технологик тавсифидан иборат бўлиб баъзи бир ҳолларда библиографик тавсифга тўлиқ матнни ҳам боғлаш имконияти яратилган.

- Агар библиографик ёзувга адабиётнинг тўлиқ матни киритилган бўлса, у ҳолда ўша тўлиқ матн форматини кўрсата оладиган матн муҳаррирлари керак бўлади (агар тўлиқ матн *.дос форматида бўлса, Мисрософт Ворд матн муҳаррири, *.пдф форматида бўлса, Асробат Реадер дастурий таъминотлари керак бўлади).
- Тизим электрон каталогини самарали шакллантириш учун махсус динамик ва статик луғатлардан фойдаланилган (нашриётлар, шаҳарлар номлари, нашрларнинг асосий матн тиллари, индивидуал шахслар номлари, КБК ва УЎК индекслари, муаллиф белгиси ва бошқалар).
- Тизимни ишга тушириш учун Иш столининг пастки қисми ўнг томонида пайдо бўлган  пиктограммага сичқончанинг ўнг тугмаси билан чертилади натижада “Очиш” ва “Чиқиш” сўзлари ёзилган панел пайдо бўлади. “Очиш” сўзига сичқонча билан чертиш натижасида KARMAT-У тизими ишга туширилади. Тизим ишини туғаллаш учун “Чиқиш” сўзига сичқонча билан чертиш кифоя.
-
- *а)Каталоглаштирувчининг автоматлаштирилган иш ўрни*
- Каталоглаштирувчининг АИЎ асосан тизимнинг электрон каталоги (ЕК) базасини шакллантиришга мўлжалланган бўлиб бу ерда кутубхона фондига келиб тушаётган адабиётларга библиографик ишлов бериш ва китобхонларнинг электрон формуляри яратилади.
- Каталоглаштирувчининг АИЎ асосан икки функтсияни бажаради: китобхонлар тўқрисидаги маълумотларни ва АРМ фондидаги ҳужжатларнинг библиографик тавсиф элементларини электрон каталог базасига киритади, яъни электрон каталог базасини шакллантиради.
- Каталоглаштирувчининг автоматлаштирилган иш ўрнини ишга тушириш учун “Логин” “парол” майдонларига мос равишда “сат” “11” қийматларини берамиз.

- АРМни замонавий талаблар асосида ташкил қилишда унинг электрон каталоги базасини шакллантириш муҳим аҳамият касб этади. Зеро электрон каталог, АРМнинг энг муҳим элементи ҳисобланади. АРМ фондини локал ва глобал тармоқларда тақдим қилиш, буюртмалар бериш, уларни автоматик равишда ҳисобга олиш, китоб бериш ва қайтариб олиш, АРМ статистикасини юритиш АРМ фондини тўлдириш каби бир қатор жараёнларнинг автоматлаштирилишида ЭК энг асосий роллардан бирини ўйнайди. Шунинг учун ҳам АРМ электрон каталогини шакллантириш анаънавий кутубхонани ахборот-ресурс марказига айлантиришдаги дастлабки қадамлардан бири ҳисобланади.

*б) Китобхоннинг АИЎ* – бу дастурий техник комплекс бўлиб, унда китобхон ЭКдан фойдаланиб АРМ фондидаги адабиётлар тўғрисида маълумот олиши, қидириб топилган адабиётларга буюртмалар бериши ва уларнинг бажарилиши тўғрисида ахборотлар олиши мумкин. ЭКнинг бир неча маълумотлар базаларидан ахборотлар қидириш имконияти ҳам мавжуд. “Китобхоннинг АИЎ нинг энг муҳим модулларидан бири КШЕК ҳисобланади ва у АРМ билан китобхон орасидаги ҳамкорликни оператив тарзда боғлашга хизмат қилади.

- Китобхоннинг шахсий электрон кабинети (КШЕК), локал ва глобал тармоқларда ишлай олади. Китобхон ўз шахсий электрон кабинети орқали АКМ, АРМ ва кутубхоналар ЭК базалари билан танишиб чиқиши, керакли адабиётларни қидириши, уларга буюртмалар бериши ва берилган буюртмаларнинг бажарилиши тўғрисида маълумотларни ўз шахсий кабинети орқали олиши мумкин. Китобхон ўз шахсий электрон кабинетида электрон ресурсларнинг тўлиқ матнини кўриши ҳам мумкин. У ЭК базасидан ўзига керакли маълумотларни топа олмаган ҳолда у “махсус буюртма” орқали ЭК базасига киритилмаган адабиётларга буюртмалар бериш имкониятига эга. Бу ҳолат KARMAT тизимининг АКМ, АРМ ва кутубхоналарда самарали тадбиқ қилинишига кенг йўл очади, зеро бугунги

кунда АКМ, АРМ ва кутубхоналарнинг кўпчилигида халқаро талабларга мос библиографик ресурслар яратиш талаб даражасида эмас, яъни фонд тўғрисидаги маълумотларнинг жуда кам қисми ЭК базасига киритилган.

*в) Китоб бериш ва қайтариб олиш билан шуғулланадиган ходимнинг автоматлаштирилган иш ўрни АИЎда* буюртмаларнинг бажарилиши назорат қилинади, бошқарилади, КШЕК буюртманинг қабул қилинганлиги, топилганлиги тўғисидаги ахборотларни юбориш, китоб бериш ва қайтариб олиш функтсиялари автоматлаштирилган. Тизимнинг бу модулида АКМ, АРМ ва кутубхоналар фаолияти учун зарур бўлган статистик маълумотларга ишлов берилади ва махсус формаларда тегишли жадвалларни босиб чиқариш имконияти яратилган. Мазкур модул тизимнинг ягона библиографик маълумотлар базасидаги библиографик маълумотлар статусини ўзгартириш орқали фонддаги китобларнинг “бўш” ёки “банд” эканлигини аниқлайди. Китоб бериш ЭК орқали буюртма бериш ва электрон каталогдан фойдаланмай буюртма бериш орқали амалга оширилади. Ишни бундай усулда ташкил қилиниши мактаб АРМ кутубхоначиси учун жуда қулай, сабаби ўқувчи бевосита китобни пъолкадан олиши ва ЭК базасига ўз паролини киритиб олинган адабиёт инвентар рақамини тегишли майдонган киритади ва олинган китоб китобхоннинг электрон формулярига ёзилади. Бундай усулда ишлаш китоб бериш жараёнини тезлаштиради.

*г) Администраторнинг автоматлаштирилган иш ўрни*

- “Тизимни бошқариш ва юритиш билан шуғулланувчи ходимнинг (Администраторнинг) АИЎда янги базалар очиш, керак бўлмаганларини ўчириш, тизимдан фойдаланувчи (администратор, каталоглаштирувчи, китобхон ва бошқа) ларга тегишли статуслар бериш амаллари бажарилади. Администраторнинг АИЎда библиографик ёзув элементларини ЭК базасига киритиш майдонларини яратишга мўлжалланган махсус “конструктор” яратилганки унинг ёрдамида ҳар қандай МАРС форматлар оиласига кирувчи ички ёки коммуникатив формат яратиш

мумкин. Бу ердаги универсаллик маълумотларни базаларга киритиш учун ихтиёрий кўринишдаги ишчи саҳифаларни яратиш ҳамда библиографик маълумотларни экспорт, импорт қилишга имкон берувчи форматларни яратишга йўл очади.

- Тизимнинг интерфейси ўзбек ва рус тилларида яратилган бўлиб уни бошқа тилга таржима қилиш унчалик мураккаб иш эмас. Махсус ишлаб чиқилган жадвалдаги сўзлар тегишли тилга таржима қилингач тизим интерфейси керакли тилда ишлай бошлайди. Ўзбекистондаги ЭК базаларини шакллантириш билан шуғулланувчи каталоглаштирувчиларнинг малака даражаларини назарда тутиб ва уларга каталоглаштириш ъайтида ёрдам бериш мақсадида ҳар бир майдонга киритиладиган маълумот уни киритиш тартиби ва шакли тўғрисида маслаҳат бериб борилади. Бундай маслаҳатни олиш учун каталоглаштирувчи тегишли майдонга сичқонча билан чертиши кифоя.

- АРМ администраторининг автоматлаштирилган иш ўрнини ишга тушириш учун “Логин” майдонига “админ”, “ъарол” майдонига “11” қийматлари берилади. Бу қийматлар ўрнига бошқаларини ишлатиш ҳам кўзда тутилган. Тизим корпоратив режимда ишлатилганда, Администраторнинг АИЎда корпоратсия иштирокчиларининг ҳар бирига алоҳида “Логин” ва “ъпарол” бериш орқали буларни тизимда рўйхатдан ўтказиш имконияти яратилган. Администраторнинг АИЎнинг бош саҳифаси қуйидаги расмда келтирилган.




3.1 – расм. KARMAT дастурининг бош сахифаси.

## 3.2. Озод Шарафиддинов электрон кутубхонаси ишга тушуриш ва ундан фойдаланиш

Электрон кутубхонанинг дастурий таъминотини веб-дастурлаш тилларидан фойдаланган ҳолда яратар эканмиз ишни биринчи компьютерга “DENWER” веб-серверни ўрнатишдан бошлаймиз. Агар компьютерда ушбу тизим мавжуд бўлса уни ишга туширамиз: 


Электрон кутубхонанинг маълумотлар базасини яратиш учун локал тармоқ орқали Http:// localhost/phpmyadmin саҳифасига кирамиз ва янги MySql базани яратамиз. Бизнинг ҳолатда бу базанинг номи “db_sho” деб аталади.

Барча маълумотларимиз маълумотлар базасидан веб сахифамиз билан боғлаб саҳифамизда акс эттирамиз.

Электрон кутубхонамизни ишга тушириш учун Http:// localhost/sho.uz деб ёзилади ва қуйидаги ойна очиладию




3.2 – расм. Электрон кутубхонанинг бош сахифаси.

Бу ерда бош сахифа менюси акс эттирилган. Бу ерда Озод Шарафиддинов сабоқлари, унвон ва мукофотлари, мухим саналар акс эттирилган.




3.3 – расм. Электрон кутубхонанинг бош меню сахифаси.




3.4 – расм. Электрон кутубхонанинг бош меню сахифаси.




3.5 – расм. Электрон кутубхонанинг автобиография сахифаси.

Қуйидаги асарлар сахифасида вақтли матбуотда босилган мақолалари ва суҳбатлар, тўпламлардаги мақолалари, кириш сўз, сўзбоши ва сўнгсўзлари, таржималари ҳақида сўз юритилган.




3.6 – расм. Электрон кутубхонанинг асарлар меню сахифаси.




3.7 – расм. Электрон кутубхонанинг асарлар меню сахифаси.

Қуйида муаллиф ҳақида меню саҳифаси келтирилган. Бу ерда озод шарафиддинов замондошлари хотирасида, О.Шарафиддинов ҳаёти ва ижоди ҳақидаги ишлар, раҳбарлигида ёқланган диссертациялар мавзулари бўйича сўз юритилган.




3.8 – расм. Электрон кутубхонанинг муаллиф ҳақида меню сахифаси.




3.9 – расм. Электрон кутубхонанинг бош меню сахифаси.

## 3 – боб бўйича қисқача хулоса

Бу боб бўйича хулоса қилиб шуни айтишимиз мумкинки, бунда биз дастурий комплекслар яратилиши, уларнинг маълумотларлар базалари, уларнинг кўринишлари ҳақида сўз юритганмиз ва фойдаланувчилар ўзларига қўлланма қилиб фойдаланишлари мумкин

# 4-БОБ. ҲАЁТ ФАОЛИЯТИ ХАВФСИЗЛИГИ

## 4.1 Компютер билан ишлашда электр магнит нурланишларидаги ҳимояланиш

### 4.1.1. Мониторларни электромагнит нурланишига кўра қиёсий тахлили

Ҳозирги пайтда сотувда таклиф қилинаётган замонавий компьютерларнинг хавфсизлик даражаси хақида фикр юритилганда, мониторларининг кўпчилиги Low Radiation, яъни паст нурланиш қобилиятига эга, деган ёзув билан келмоқда. Улар ичида энг хавфсизи бўлиб, ички қўшимча металл корпусга қотирилган қурилмаси мухофаза экран бўлган дисплейлар хисобланади. Бу корпусдан 5-7 см нариданоқ электр ва электростатик майдон таъсири меъёригача камайишини, магнит майдонининг компенсация тизими билан биргаликда эса бундай конструкция фойдаланувчи учун максимал хавфсизликни таъминлайди.

Электромагнит нурланиш даражаси MPR П стандартлари талабларини қониқтирадиган чет эл фирмалари ишлаб чиқараётган мониторларининг рўйхатини жадвал кўринишида келтирамиз:

Жадвал 4.1

Мониторлар тоифалари

| | | | |
|---|---|---|---|
| Acer | ETC | MAG | Radius |
| ADI | GVC | MaxTech | Sampo |
| AOS | Huindai | Mitsubishi | Samsung |
| Apple | IBM | Nanao | Samtron |
| Compaq | Liyama | NEC | Sigma |
| Cornerstone | Ikegami | Nokia | Smile |
| CTX | KDS | Optiquest | Sony |
| Daewoo | Kenitec | Packard Bell | Sceptie |
| Darius | KPC | Panasonic | TVM |
| Digital | LG Electric | Philips | Wiev Sonic |

| | | | |
|---|---|---|---|
| Delta Socos | Liberty | Prinseton | ZDS |

Қуйидаги монитор моделлари TCO 92 стандартининг сертификациясидан ўтдилар, бу стандарт талаблари MPR II га нисбатан янада қаттиқроқдир, яъни $E$< 10 В/м 5 Гц - 2 кГц диапазонларда ва $E$< 1 В/м 2 - 400 кГц диапазонларда, ҳамда экран марказидан 0,3 м ва 0,5 м монитор атрофида бўлиб, MPR II стандартида бу кўрсаткичлар 25 ва *1,5* В/м 0,5 м монитор атрофидадир:

| | |
|---|---|
| ADI Systems | - Microskan 50 |
| Apple Computer | - Apple Vision 1710 |
| Compaq Computer | - V70 |
| CTX International | - PR700 |
| EISO Nanao Technologies | - FlexScan TX-C75 |
| LG Electronics | - “T” kategoriyali modellar |
| MAG Technology | - MXP17F |
| Nokia Display Products | - Multigraph 447 Xav, 447 X1 |
| Panasonic Computer | - PanaSync S17, 17MM TX |
| Peripherial | - T1563, TX-T1562F, TX-D1734, TX-D1734F |
| Philips | - Brilliance 17A, Samsung |
| Electronics, Sceptre Technologies | - CL-617GL+ |
| Sony Electronics | - Multiscan 17se, 2, 15, 17, 20sf2, 100df |
| ViewSonic | - 15GS, 17PS, RT770, RT810, RT813 Professional Series |

Тест натижалари, уларни ўтказилган санаси ва жойи (лаборатория номи) сертификатда келтирилади, унинг нусхаси сотувчида бўлиши шарт. Хозирги пайтда бизнинг мамлакатимиздаги кўпгина корхона, ташкилот ва уйларда олинган мониторларнинг аксари халқаро стандартларнинг талабларини қониқтирмайди, чунки улар технология хатоликлари билан ёки хавфсизликка эътибор керакли даражада бўлмаган даврда сотиб олинган бўлиб, ЭММ меъёрий кўрсаткичларига мос келмайди. Бундай мониторлар эса бутун дунё бўйича жуда кўпдир. Жумладан, Швеция радиация химояси Миллий институтининг маълумотларига кўра, 1995 йил холати бўйича бутун дунёдаги тарқалган компьютер моделларининг фақатгина 18% ТСО 92 стандарти талабларига жавоб берган. 50 мониторларни экспертизаси шундан далолат бердики, фақатгина 15 % швециялик стандартларни қониқтирган ва иш жойини тўгри ташкил этилганда хеч қандай мухофаза воситаларини талаб қилмайди. MPR II 1990:10 ёки ТСО 92 стандартини фақат 31 % қисман қониқтиради, шунда хам мухофаза воситаларини, иш жойини ва иш вақтини тўғри ташкил этишни талаб қилади. Қолган 54 % мониторлар эса электромагнит хавфсизликнинг умумий қабул қилинган халқаро меъёрларига тўғри келмайди ва фойдаланувчи билан атрофдагиларни сўзсиз мухофаза қилишни талаб қилади. Нурланиш барча йўналишларда тарқалиб, швеция стандартларини қониқтирмайдиган зона радиуси 2.5 м дан ортиқдир.

### 4.1.2. Иш жойида электромагнит нурланишни камайишининг асосий сабаблари

Замонавий компьютерларнинг нурланиш параметрлари асосан йўл қўйилган даражадалигини тасдиқловчи сертификати бўлишига қарамай, ЭММ мавжудлиги факти янги компьютерни ишлатишдан олдин иш жойида унинг электромагнит характеристикаларини текширишни тақозо этади,

даражанинг ортиқлиги аниқланган тақдирда, мухофазаловчи фильтр ёки экран ўрнатиш зарурати туғилади.

Экранлаштириш эффекти шу билан боғлиққи, ўзгарувчан ЭММ экран қалинлигида ўтказгич материаллар ёрдамида тўлқинланувчи токларни юзага келтиради, унинг магнит майдони таъсир қилувчи майдонга нисбатан қарама-қарши йўналган бўлиб, оқибатда натижавий майдон арзимаган ичкарига кириб, экрандан тез йўқола боради. Тажрибада экран қалинлиги танланганида одатда майдонни ичкарисига киришни характерлайдиган катталикни 100 марта кичиклаштирилган ифодасидан фойдаланилади:

$$\delta = \sqrt{\frac{2}{\omega\mu\gamma}} = \frac{1}{\sqrt{\pi f \mu\gamma}}$$

бу ерда $\omega$ - бурчак частота, $\omega = 2\pi f,$ f - айланма частота, Гц;

$\mu$ - экран материалининг магнит сингдирувчанлиги, Гн/м; $\gamma$ - экран материалининг электр сингдирувчанлиги, См/м.

Юқори частотали ЭММ ичкарига сингдирувчанлиги жуда кичик, мисол учун мисда у миллиметрнинг ўндан бирини ташкил этади. Бу формула яхлит экран учун хаққонийдир. Лекин яхлит экрандан фойдаланилганда ЭММ камайиши билан, ёруглик оқимини йўли тўсиб қўйилади. Шунинг учун монитор экранидан нурланиш даражасини пасайтириш мақсадида тўрсимон экранлардан фойдаланилади, улар яхлит экрандан фарқли ўлароқ, ёмон экранлаштирувчи хоссага эга бўлиб, оқим зичлиги қувватини 20-30 дБ (100-1000 марта) камайишига олиб келади. Замонавий мониторларда шундай экранлаштирувчи фильтрлар компьютернинг констукцион элементи сифатида фойдаланилади.

Хар қандай шароитида, иш жойида монитор сифатидан қатъий назар, майдон инсенсивлиги минимал бўлган масофада жойлаштирилиши керак. Бунинг учун экранни чўзилган қўлчалик масофада, яъни 70-80 смда жойлаштириш кифоя. Бу шу билан тушунтириладики, фойдаланувчи ЭММ

манбаи бўлмиш компьютернинг яқин зонасила, ёки $R \leq \lambda 2\pi$ ифода билан аниқланадиган индукция зонасида жойлашган, бу ерда $R$ - манбадан бўлган масофа, $\lambda$ - тўлқин узунлиги, бу зонада майдоннинг магнит ташкил этувчиси манбадан бўлган масофанинг квадратига тескари пропорционал равишда *($H$ = $R^2$)*,камайиб боради, (электр ташкил этувчиси эса янада тезроқ камаяди, яъни манбадан бўлган масофанинг кубига тескари пропорционал равишда $E$— $R^J$) .

Электр майдон кучланганлигини ва магнит индукцияни 1995 ва ундан кейинги йиллардаги экрандан 50 см. масофадаги ўлчамлари одатда меъёрдадир, ён ва орқа юзалардаги магнит майдон интенсивлиги кўпинча йўл қўйилган қийматлардан 5-2000 Гц частота диапазонларида ортиб кетади. Бу майдон манбаи бўлиб компьютернинг орқа ёки ён томонига жойлашган юқори вольтли чизиқли трансформатор хисобланади, корпус деворлари (энг янги модификацияда кўзда тутилган бўлиши мумкин) нурланишни экранлаштирмайди. Шунинг учун бир неча компьютер жойлашган хонада бир компьютер видеомониторининг орқа юзаси билан иккинчининг экрани орасидаги масофа 2 м дан кам бўлмаслиги керак, ён юзалари орасидаги масофа эса - 1.2 м дан кам бўлиши керак эмас. Бундай масофа компьютерларнинг бир-бирига таъсирини ҳам чеклайди. Хавфсизлик нуқтаи-назаридан, компьютерларни хона периметрида бир-бирини орқасидан эмас, девор бўйлаб жойлаштириш тавсия этилади.

### 4.1.3. Мухофаза фильтрлари

Юқорида айтилганидек, нурланиш интенсивлигини камайтиришнинг энг кенг тарқалган воситаси бўлиб монитор экранига мухофаза фильтрини ўрнатиш хисобланади. Шу билан бирга, шуни эътибордан қочириш керак эмаски, уларни ўрнатиш, фақат видеотерминал экрани олдидаги нурланиш даражасинигина камайтиради. Корпуснинг ён ва орқа томонидаги ЭММ нурланиш даражаси ўзгаришсиз қолади. Бундан ташқари, хар қайси фильтр ўзининг химоя хоссаларига ва ёруг техникавий характеристикаларига эга,

шунинг учун уларни танлаш кутилган мухофаза эффектини олиш билан боғлиқ. Мухофаза фильтрлари оптик шаффоф панелдан иборат бўлиб, дисплей экрани устидан компьютернинг корпусига кронштейн ёрдамида махкамланади. Панелга юпқа ўтказувчан қатлам юритилган бўлиб, уни ерга улаш ўқ бўйлаб дисплей экранидан тарқалаётган ЭММ нурланишини босади. Бундан ташқари, махсус қўшимча материал ва ўтказувчан қатламни танлаш айтарли даражада (кўпинча бутунлай босиши) спектрнинг ультрабинафша ва инфрақизил қисмининг оптик нурланиш даражасини камайтиради.

Умуман олганда, мухофаза фильтрлари электростатик таъсирдан химоя қилибгина қолмай, балки узоқ тушиб туришидан оператор кўзига шикаст етказиши мумкин бўлган ёритиш асбобларидан, қуёш нуридан видеомониторнинг шиша элементларига тушадиган ялтиллашларни босади, ҳамда дисплейни умумий ёрқинлигини камайтиради (бунда кам ёрқинли деталлар жуда яхши кўринади, чунки умумий контрастлик ошади, шаклнинг ранглари мухофаза фильтри фоннинг кул рангини ютганлиги сабабли, тиниқлашади). Барча мухофаза фильтрлар ҳам ҳамма мухофаза чораларини комплексини таъминламайди. Хусусан, электромагнитт таъсирдан мухофазани фақат электр ўтказгич юзали фильтрларгина таъминлайди. Бундан ташқари, турли хилдаги ва турли фирма-ишлаб чиқарувчиларнинг мухофаза экранлари турли даражадаги эффект ва ишонч билан мухофазалайди. Тажрибада фойдаланиладиган фильтрларни конструктив хусусиятлари билан танишиб чиқамиз.

Тузилишига қараб мухофаза фильтрлар қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

- Пленкали
- Тўрли
- Шишали
- аралаш турли

**Пленкали** фильтрлар шиша ёки синтетик материал (масалан, акрил)дан тайёрланган юпқа шаффоф қўшимча материал асосида

тайёрланади. Плёнкали фильтрлардан энг кўп тарқалгани Polaroid фирмасининг CP-50 маркали фильтрлари бўлиб, улар яхши оптик хоссаларга (шаклни контрастлигини ва аниқлигини оширади, экраннинг ялтиллашини ва липиллашини босади), лекин ультрабинафша нурланишни буткун босади ва рентген нурланишни даражасини пасайтирса ҳам, электромагнит электростатик майдондан химоя қилмайди. Бундан ташқари, полярлашган фильтрларнинг қопламалари полиэфир қатронидан тайёрланган бўлиб, улар етарли даражада пишиқ ва чидамли эмаслиги туфайли уларни физик эскиришига ва бузулишига олиб келади.

**Шиша** фильтрлар (Defender, Megastar, Sepoms каби осиё давлатлари махсулотлари) ЭММдан мухофазалар функцияларига эга эмасдирлар. Экранлаштириш сифатини яхшилаш мақсадида шиша материал устидан юпқа металл пленка юритилади. Бундай фильтрни ерга улаганда тўлиқ электростатик экранлаштириш, хусусан юқори частота диапазонларда электромагнит нурланиш кескин даражада пасайиши таъминланади. Бундан ташқари, металл пленкали шиша фильтрлар юмшоқ рентген нурланишини ўтказмайди, спектрнинг ультрабинафша ва инфрақизил чегараларидаги нурланишни айтарли даражада пасайтиради. Фильтрларнинг сифати қопламанинг қандай материалдан тайёрланганлигига, уни қандай технологияда, неча қават қопланганлигига қараб, турли ишлаб чиқарувчи фирмаларнинг фильтрларини характеристикаларида ўз аксини топади.

Кенг тарқалган мухофаза фильтрлари гуруҳига тўрсимон фильтрлар киради, улар кўпинча мис сим асосли хира рангли қопламада тайёрланади. Бу фильтрларнинг самараси тўрнинг частотасига боғликдир. Жуда ҳам зич тайёрланган тўр, ЭММ мухофазани яхшиласада, шаклни аниқлиги ва контрастлиги пасайиб, кўриш хусусиятини ёмонлаштиради. Шунинг учун, ёруглик оқимини камайишини ўрнини қоплаш учун, дисплейнинг шакл ёруглигини оширишга тўғри келади, бу эса электрон-нурли трубкани иш муддатини қисқаришига олиб келади. Деярли барча моделлари муар

эффектини, яъни шаклни экран бўйлаб гўёки сузиб юришини, юзага келтиради. ЭММ таъсиридан ва қулай оптик характеристикаларни биргаликда мухофазалашнинг энг оптимали аралаш турли фильтрлар ҳисобланади. Улар шишанинг металларнинг оғир атомлари билан легировка қилинган махсус сортидан тайёрланган бўлади. Мураккаб кўпқават таркибли бу фильтрлар мониторнинг деярли барча зарарли таъсирларидан химоя қилади

## 4.2. Кўриш ишларини бажаришда хавфсиз шароитлар таъминлаш

Фойдаланувчининг компьютерда ишлаш чоғидаги кўриш учун маъқул бўлган шароит яратиш - энг бош муаммолардан биридир. Компьютердан фойдаланилганида ишнинг маъқул бўлмаган шароитидан шикоятларда етакчи ўринни кўришнинг у ёки бу муаммолари, биринчи навбатда 1.5 - 2 соат улуксиз ишлаш натижасида пайдо бўладиган кўз чарчаши эгаллайди. ХК билан систематик тарзда ишлаш натижасида кўпинча бир - бир ярим йилдан сўнг кўришнинг ёмонлашуви кузатилади. Шунинг учун илмий мақолаларда, меъёрий адабиётларда, оммавий нашрларда кўз толиқишини олдини олиш ва йўқотиш муаммоларига катта эътибор берилмоқда.

Кўриш толиқиши профилактикаси масалалари комплекс бўлиб, биринчи навбатда операторни кўришининг қай даражадалигига, монитор сифатига, иш жойини ташкил этишга ва компьютерни жойлашувига, иш жойидаги ва хонадаги ёритилганлик параметрларига, мехнат қилиш ва дам олиш тартибига боғликдир. Соғлом кўриш шароитини яратиш ва кўз касалликларини олдини олишнинг асосий йўналишларини кўриб чиқишни инсоннинг кўриш аппаратини хусусиятлари ва дисплейда шакл тасвирини қандай қабул қилиши билан танишишдан бошлаймиз.

### 4.2.1. Фавқулодда ҳолатлар вақтида халқ хўжалиги объектларининг турғун ишлашини таъминлаш.

Халқ хўжалик объектларининг (ХХО) турғунлиги уларни Фавқулодда ҳолатларнинг хавфли ва зарарли омиллари таъсирига чидамлилиги, яъни Фавқулодда ҳолатлар шароитида режалаштирилган ҳажмда ва номенклатурада маҳсулот ишлаб чиқариш, ишчи ва ҳизматчилар ҳаёт фаолияти хавфсизлигини тўғри таъминлаш ҳамда ишлаб чикаришга зарар етган ҳолатларда ўз иш қобилиятини тиклашга мослашиши орқали баҳоланади.

Фавқулодлар вақтида объектнинг турғун ишлашига ташкилий, инженер-техник ва бошқа тадбирларни комплекс равишда амалга ошириш натижасида эришилади.

Ушбу тадбирлар биринчи навбатда ишчилар ва ҳизматчиларни ҳимоялашга қаратилган бўлиши керак. Чунки инсон ресурси ҳамда ХХО фавқулодда ҳолатларнинг хавфли ва зарарли омилларидан ҳимояланмасдан туриб, уларни турғун ишлашини таъминлаб бўлмайди. Бундан ташқари, объектдаги ишчилар ва объект яқинида яшовчи аҳолини ҳаёт фаолияти хавфсизлигини таъминлашда Фавқулодда ҳолатларнинг бузувчи омиллари таъсирида юзага келувчи иккиламчи хавфли омиллар содир бўлиш хавфининг олдини олишга қаратилган тадбирлар ҳам муҳил роль ўйнайди. Иккиламчи хавфли омилларга, ички ва ташки сабаблар натижасида вужудга келиши мумкин.

ХХО ларининг Фавқулодда ҳолатлар вақтида турғун ишлашини таъминлашга қаратилган тадбирлар комплекси ичидан асосий иккита тадбирга, яъни, айнан фавқулодда ҳолатларда ишчи ва ҳизматчиларни ҳаёт фаолияти хавфсизлигини таъминлаш муаммоларига ҳамда иккиламчи хавфли омиллар ҳосил бўлишини бартараф этишга каратилган тадбирларга тўхталамиз.

Ишчи-ҳизматчиларни ҳимоялаш тадбирларига - технологик жараёнларда портлашга ва ёнгинга хавфли ҳамда зарарли ва радиактив моддалар ишлатиладиган иш шароитларида иш режимини ташкил этиш; заҳарланиш ўчоғини бартараф этишга қаратилган ишчиларни аниқ бажариш йўллари бўйича ўқитиш; объектдаги ишчи ва ҳизматчилар ҳамда объект яқинидаги

аҳолига, объектда ҳосил бўлган хавф тўғрисида ҳабар беришнинг лоқал системасини ташкиллаштириш ва уни доимий тайёр ҳолатда сақлаш каби ишлар киради.

Фавқулодда ҳолатларнинг хавфли ва зарарли омиллари таъсирида юз берадиган ёғинлар, портлашлар, заҳарли, радиактив моддаларни муҳитга тарқалиши иккиламчи омиллар жумласига киради.

Маълумки, нормал иш шароитида объектнинг хавфсиз ва авариясиз ишлашини таъминлашга каратилган қатор тадбирлар амалга оширилади. Лекин бу омиллар Фавқулодда ҳолатлар вақтида етарли даражада бўлмайди. Шу сабабли, Фавқулодда ҳолатларнинг иккиламчи омилларидан ҳимоялашга қаратилган қўшимча тадбирлар ишлаб чиқиш талаб этилади. Бундай тадбирларга- сақланадиган портлашга, ёнғинга хавфли ва заҳарли моддалар заҳирасини минимум даражагача камайтириш; сақлаш омборларини хавфсиз жойда, мустаҳкам қилиб, шамол йўналишини, ёнғин оралиқлари ва йўлакларини ёнғинга карши сув таъминотини ҳисобга олган ҳолда куриш; уларни ёнғин ўчирувчи воситалар, заҳира электр манбалари, алоқа воситалари, автомат сигнализация каби воситалар билан таъминлаш ишлари киради.

# ХУЛОСА

Ҳозирги XXI аср ахборот асрида маълумотларнинг хар дақиқада кўпайиб бориши маълумотлар хажмини ошиб боришига ва унга талабни ортишига олиб келмоқда. Бу албатта ижобий ҳолат ҳисобланади чунки хар бир маълумот инсон фаолиятини тезлашишга олиб келади. Яна бир ижобий ҳолатлардан бири бу ахборотлардан фойдаланишнинг барча ҳолатлари автоматлаштирилмоқда. Статистик маълумотларга қараганда деярли қўлёзма маълумотларнинг кўпгина қисми электрон ҳолатга келтирилган.

Ахборот технологияларининг ривожланиши ахборот кутубхона марказлари ва ахборот ресурс марказлари ишининг ривожланишига ҳам кенг имкон яратди. Шу билан бирга, бир қатор муаммоларни ҳам келтириб чиқарди. Бу масалаларнинг таҳлили ва ечими мазкур битирув малакавий ишнинг мазмунини ташкил этади.

Ахборот кутубхона марказларида китобларни электрон шаклга ўтказиш ва бу электрон маълумотлар базаларига Интернет тармоғи орқали мурожаатни таъминловчи дастурий комплекс яратиш китобхонлар учун бир қатор қулайликлар яратади.

Мазкур битирув малакавий ишда Озод Шарафиддиновнинг 30 дан ортиқ китоби 600 дан ортиқ мақола ва таржималарининг талқини акс этган.

- Электрон кутубхонани яратиш методлари ва дастурларини таҳлил қилинди;
- Озод Шарафиддинов электрон кутубхонасининг маълумотлар базасини яратиш алгоритмлари ишлаб чиқилди;
- Озод Шарафиддинов электрон кутубхонасининг яратиш дастурий комплекси ишлаб чиқилди.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ


1. Respublika aholisini axborot-kutubxona bilan ta'minlashni tashkil etish to'g'risida: O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2006 yil 20 iyun Qarori //Ma'rifat. – 2006. – 21 iyun.

2. Elektron raqamli imzo to'g'risida: O'zbekiston Respublikasining Qonuni //Xalq so'zi. – 2004. – 29 yanvar.

3. "Kompiyuterlashtirishni yanada rivojlantirish va axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini joriy etish chora-tadbirlari to'g'risida: O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2002 yil 6 iyunь Qarori //Toshkent oqshomi. – 2002. – 10 iyun.

****

4. Karimov Islom Abdug'aniyevich. Yuksak ma'naviyat - yengilmas kuch / I. A. Karimov. - Toshkent : Ma'naviyat, 2008. - 176 b.

5. Karimov Islom Abdug'aniyevich Mamlakatimizda demokratik islohotlarni yanada chuqurlashtirish va fu?arolik jamiyatini rivojlantirish konsepsiyasi http://www.adolat.uz/index.php?option=com_content&view=article&id=159%3A2010-11-13-15-40-14&Itemid=75&lang=uz>. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Islom Karimovning O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlisi Qonunchilik palatasi va Senatining noyabrdagi qo'shma majlisidagi ma'ruzasi. (2010 yil 12 noyabr).

6. Karimov U., Karimov O'.U. Elektron kutubxona yaratish qoidalari //Infocom.uz. – 2009. - №8. – B. 34.

7. Karimov U. va boshq. Korporativ-axborot-resurs markazlarining avtomatlashtirilgan tizimi (KARMAT): Uslubiy qo`llanma /U. Karimov, M.A. Rahmatullayev, A.Sh. Muhammadiyev, J. Atajanov, M.P. Savochkin. - T.: Toshkent davlat yuridik institut nashriyoti, 2009. - 79 b.

8. Raxmatullaev M.A. Biblioteka 21 veka //Bella Terra. – 2007. – №6.

9. Rahmatullayev M.A. Informatsionnыye resursы dlya nauki, obrazovaniya, kulturы i biznesa: problemы i resheniya po sozdaniyu. Materialы

mejdunarodnoy konferensii “Central Asia 2004” “Internet i bibliotechno-informatsionnыye resursы v nauke, kulturы, obrazovaniye i biznese”. - Tashkent, 2004. - S. 10-18.

10. Rakhmatullaev M. Advanced Information Library Infrastructure: As an Important Social Tool for the Prevention of Crisis Situations in Central Asia V jurnale Library Hi Tech News. Vol. 19. N 9 , 2002. MCB University Press. England. 12-14 p.p. - URL: <http://www.mcb.co.uk./liblink/nethome.htm>.

11. Umarov A. Natsionalnaya biblioteka Uzbekistana v novoy informatsionno-bibliotechnoy sisteme respubliki / Umarov A. [Elektronnыy resurs] // Biblioteki i informatsionnыye resursы v sovremennom mire nauki, kulturы, obrazovaniya i biznesa: materialы konf. - Elektron dan. - M.: GPNTB Rossii, 2007. - 1 elektron. opt. disk (CD-ROM). - Sistem. trebovaniya: IBM PC, Windows 2000 ili vыshe. - Zagl. s etiketki diska. - ISBN 978-5-85638-119-0. - № gos. registratsii 0320700790.

12. Umarov A. Natsionalnaya biblioteka Uzbekistana i mejbibliotechnoye sotrudnichestvo v informatsionnom obщyestve //Vestnik Bibliotechnoy Assamblei Yevrazii. - 2007. - №1. -S.52-54.Sbornik osnovnыx rossiyskix standartov po bibliotechno-informatsionnoy deyatelnosti / Sost. T.V. Zaxarchuk, O.M. Zusman. - SPb.: Professiya, 2006.- 547 s.

13. Ekologiya i bezopasnost jiznedeyatelnosti: Uchebnoye posobiye dlya studentov VUZov/ red. L. A. Muraviy, 2002.

14. Belov S.V. Bezopasnost jiznedeyatelnosti M.: Vыsshaya shkola. 2003.

15. YormatovG‘.Yo.,Isamuxamedov Yo.U. Mehnatnimuxofazaqilish. Darslik. O‘zbekistannashriyoti. Toshkent 2002.

# ИЛОВА

**Index.php**

```
<?php
/**
 * Front to the WordPress application. This file doesn't do anything, but loads
 * wp-blog-header.php which does and tells WordPress to load the theme.
 *
 * @package WordPress
 */

/**
 * Tells WordPress to load the WordPress theme and output it.
 *
 * @var bool
 */
define('WP_USE_THEMES', true);

/** Loads the WordPress Environment and Template */
require('./wp-blog-header.php');
```

**wp-config.php**

```
<?php
/**
 * The base configurations of the WordPress.
 *
 * This file has the following configurations: MySQL settings, Table Prefix,
 * Secret Keys, WordPress Language, and ABSPATH. You can find more
information
 * by visiting {@link http://codex.wordpress.org/Editing_wp-config.php Editing
 * wp-config.php} Codex page. You can get the MySQL settings from your web host.
 *
 * This file is used by the wp-config.php creation script during the
 * installation. You don't have to use the web site, you can just copy this file
 * to "wp-config.php" and fill in the values.
 *
 * @package WordPress
 */

// ** MySQL settings - You can get this info from your web host ** //
/** The name of the database for WordPress */
define('DB_NAME', 'db_sho');

/** MySQL database username */
define('DB_USER', 'Kutub');

/** MySQL database password */
define('DB_PASSWORD', '12345');

/** MySQL hostname */
define('DB_HOST', 'localhost');

/** Database Charset to use in creating database tables. */
```

```
define('DB_CHARSET', 'utf8');

/** The Database Collate type. Don't change this if in doubt. */
define('DB_COLLATE', '');

/**#@+
 * Authentication Unique Keys and Salts.
 *
 * Change these to different unique phrases!
 * You can generate these using the {@link https://api.wordpress.org/secret-key/1.1/salt/ WordPress.org secret-key service}
 * You can change these at any point in time to invalidate all existing cookies. This will force all users to have to log in again.
 *
 * @since 2.6.0
 */
define('AUTH_KEY',         'put your unique phrase here');
define('SECURE_AUTH_KEY',  'put your uasdasdnique phrase here');
define('LOGGED_IN_KEY',    'put your unidasdque phrase here');
define('NONCE_KEY',        'put your uniasdque phrase here');
define('AUTH_SALT',        'put your unique phrase here');
define('SECURE_AUTH_SALT', 'put your unidasdasdasque phrase here');
define('LOGGED_IN_SALT',   'put your unique phrase here');
define('NONCE_SALT',       'put your uniquasdasde phrase here');

/**#@-*/

/**
 * WordPress Database Table prefix.
 *
 * You can have multiple installations in one database if you give each a unique
 * prefix. Only numbers, letters, and underscores please!
 */
$table_prefix  = 'wp_';

/**
 * WordPress Localized Language, defaults to English.
 *
 * Change this to localize WordPress. A corresponding MO file for the chosen
 * language must be installed to wp-content/languages. For example, install
 * de_DE.mo to wp-content/languages and set WPLANG to 'de_DE' to enable German
 * language support.
 */
define('WPLANG', '');

/**
 * For developers: WordPress debugging mode.
 *
 * Change this to true to enable the display of notices during development.
 * It is strongly recommended that plugin and theme developers use WP_DEBUG
```

```
 * in their development environments.
 */
define('WP_DEBUG', false);

/* That's all, stop editing! Happy blogging. */

/** Absolute path to the WordPress directory. */
if ( !defined('ABSPATH') )
	define('ABSPATH', dirname(__FILE__) . '/');

/** Sets up WordPress vars and included files. */
require_once(ABSPATH . 'wp-settings.php');
```

**wp-cron.php**

```
<?php
/**
 * WordPress Cron Implementation for hosts, which do not offer CRON or for which
 * the user has not set up a CRON job pointing to this file.
 *
 * The HTTP request to this file will not slow down the visitor who happens to
 * visit when the cron job is needed to run.
 *
 * @package WordPress
 */

ignore_user_abort(true);

if ( !empty($_POST) || defined('DOING_AJAX') || defined('DOING_CRON') )
	die();

/**
 * Tell WordPress we are doing the CRON task.
 *
 * @var bool
 */
define('DOING_CRON', true);

if ( !defined('ABSPATH') ) {
	/** Set up WordPress environment */
	require_once('./wp-load.php');
}

// Uncached doing_cron transient fetch
function _get_cron_lock() {
	global $_wp_using_ext_object_cache, $wpdb;

	$value = 0;
	if ( $_wp_using_ext_object_cache ) {
		// Skip local cache and force refetch of doing_cron transient in case
		// another processs updated the cache
		$value = wp_cache_get( 'doing_cron', 'transient', true );
	} else {
```

```
			$row = $wpdb->get_row( $wpdb->prepare( "SELECT option_value
FROM $wpdb->options WHERE option_name = %s LIMIT 1", '_transient_doing_cron' ) );
			if ( is_object( $row ) )
				$value = $row->option_value;
		}

		return $value;
	}

	if ( false === $crons = _get_cron_array() )
		die();

	$keys = array_keys( $crons );
	$gmt_time = microtime( true );

	if ( isset($keys[0]) && $keys[0] > $gmt_time )
		die();

	$doing_cron_transient = get_transient( 'doing_cron');

	// Use global $doing_wp_cron lock otherwise use the GET lock. If no lock, trying
grabbing a new lock.
	if ( empty( $doing_wp_cron ) ) {
		if ( empty( $_GET[ 'doing_wp_cron' ] ) ) {
			// Called from external script/job. Try setting a lock.
			if ( $doing_cron_transient && ( $doing_cron_transient +
WP_CRON_LOCK_TIMEOUT > $gmt_time ) )
				return;
			$doing_cron_transient = $doing_wp_cron = sprintf( '%.22F',
microtime( true ) );
			set_transient( 'doing_cron', $doing_wp_cron );
		} else {
			$doing_wp_cron = $_GET[ 'doing_wp_cron' ];
		}
	}

	// Check lock
	if ( $doing_cron_transient != $doing_wp_cron )
		return;

	foreach ( $crons as $timestamp => $cronhooks ) {
		if ( $timestamp > $gmt_time )
			break;

		foreach ( $cronhooks as $hook => $keys ) {

			foreach ( $keys as $k => $v ) {

				$schedule = $v['schedule'];

				if ( $schedule != false ) {
```

```
					$new_args = array($timestamp, $schedule, $hook,
$v['args']);
					call_user_func_array('wp_reschedule_event',
$new_args);
				}

				wp_unschedule_event( $timestamp, $hook, $v['args'] );

				do_action_ref_array( $hook, $v['args'] );

				// If the hook ran too long and another cron process stole the
lock, quit.
				if ( _get_cron_lock() != $doing_wp_cron )
					return;
			}
		}
	}

	if ( _get_cron_lock() == $doing_wp_cron )
		delete_transient( 'doing_cron' );

	die();
```

**admin.php**

```
<?php
/**
 * WordPress Administration Bootstrap
 *
 * @package WordPress
 * @subpackage Administration
 */

/**
 * In WordPress Administration Screens
 *
 * @since 2.3.2
 */
if ( ! defined('WP_ADMIN') )
	define('WP_ADMIN', true);

if ( ! defined('WP_NETWORK_ADMIN') )
	define('WP_NETWORK_ADMIN', false);

if ( ! defined('WP_USER_ADMIN') )
	define('WP_USER_ADMIN', false);

if ( ! WP_NETWORK_ADMIN && ! WP_USER_ADMIN ) {
	define('WP_BLOG_ADMIN', true);
}

if ( isset($_GET['import']) && !defined('WP_LOAD_IMPORTERS') )
	define('WP_LOAD_IMPORTERS', true);
```

```
	require_once(dirname(dirname(__FILE__)) . '/wp-load.php');

	nocache_headers();

	if ( get_option('db_upgraded') ) {
		flush_rewrite_rules();
		update_option( 'db_upgraded',  false );

		/**
		 * Runs on the next page load after successful upgrade
		 *
		 * @since 2.8
		 */
		do_action('after_db_upgrade');
	} elseif ( get_option('db_version') != $wp_db_version && empty($_POST) ) {
		if ( !is_multisite() ) {
			wp_redirect(admin_url('upgrade.php?_wp_http_referer=' .
urlencode(stripslashes($_SERVER['REQUEST_URI']))));
			exit;
		} elseif ( apply_filters( 'do_mu_upgrade', true ) ) {
			/**
			 * On really small MU installs run the upgrader every time,
			 * else run it less often to reduce load.
			 *
			 * @since 2.8.4b
			 */
			$c = get_blog_count();
			// If 50 or fewer sites, run every time. Else, run "about ten percent" of
the time. Shh, don't check that math.
			if ( $c <= 50 || ( $c > 50 && mt_rand( 0, (int)( $c / 50 ) ) == 1 ) ) {
				require_once( ABSPATH . WPINC . '/http.php' );
				$response =
wp_remote_get( admin_url( 'upgrade.php?step=1' ), array( 'timeout' => 120, 'httpversion' =>
'1.1' ) );
				do_action( 'after_mu_upgrade', $response );
				unset($response);
			}
			unset($c);
		}
	}

	require_once(ABSPATH . 'wp-admin/includes/admin.php');

	auth_redirect();

	// Schedule trash collection
	if ( !wp_next_scheduled('wp_scheduled_delete')
&& !defined('WP_INSTALLING') )
		wp_schedule_event(time(), 'daily', 'wp_scheduled_delete');
```

```
	set_screen_options();

	$date_format = get_option('date_format');
	$time_format = get_option('time_format');

	wp_reset_vars(array('profile', 'redirect', 'redirect_url', 'a', 'text', 'trackback', 
'pingback'));

	wp_enqueue_script( 'common' );

	$editing = false;

	if ( isset($_GET['page']) ) {
		$plugin_page = stripslashes($_GET['page']);
		$plugin_page = plugin_basename($plugin_page);
	}

	if ( isset( $_REQUEST['post_type'] ) && 
post_type_exists( $_REQUEST['post_type'] ) )
		$typenow = $_REQUEST['post_type'];
	else
		$typenow = '';

	if ( isset( $_REQUEST['taxonomy'] ) && 
taxonomy_exists( $_REQUEST['taxonomy'] ) )
		$taxnow = $_REQUEST['taxonomy'];
	else
		$taxnow = '';

	if ( WP_NETWORK_ADMIN )
		require(ABSPATH . 'wp-admin/network/menu.php');
	elseif ( WP_USER_ADMIN )
		require(ABSPATH . 'wp-admin/user/menu.php');
	else
		require(ABSPATH . 'wp-admin/menu.php');

	if ( current_user_can( 'manage_options' ) )
		@ini_set( 'memory_limit', apply_filters( 'admin_memory_limit', 
WP_MAX_MEMORY_LIMIT ) );

	do_action('admin_init');

	if ( isset($plugin_page) ) {
		if ( !empty($typenow) )
			$the_parent = $pagenow . '?post_type=' . $typenow;
		else
			$the_parent = $pagenow;
		if ( ! $page_hook = get_plugin_page_hook($plugin_page, $the_parent) ) {
			$page_hook = get_plugin_page_hook($plugin_page, $plugin_page);
			// backwards compatibility for plugins using add_management_page
```

```
				if ( empty( $page_hook ) && 'edit.php' == $pagenow && '' != 
get_plugin_page_hook($plugin_page, 'tools.php') ) {
					// There could be plugin specific params on the URL, so we 
need the whole query string
					if ( !empty($_SERVER[ 'QUERY_STRING' ]) )
						$query_string = $_SERVER[ 'QUERY_STRING' ];
					else
						$query_string = 'page=' . $plugin_page;
					wp_redirect( admin_url('tools.php?' . $query_string) );
					exit;
				}
			}
			unset($the_parent);
		}

		$hook_suffix = '';
		if ( isset($page_hook) )
			$hook_suffix = $page_hook;
		else if ( isset($plugin_page) )
			$hook_suffix = $plugin_page;
		else if ( isset($pagenow) )
			$hook_suffix = $pagenow;

		set_current_screen();

		// Handle plugin admin pages.
		if ( isset($plugin_page) ) {
			if ( $page_hook ) {
				do_action('load-' . $page_hook);
				if (! isset($_GET['noheader']))
					require_once(ABSPATH . 'wp-admin/admin-header.php');

				do_action($page_hook);
			} else {
				if ( validate_file($plugin_page) )
					wp_die(__('Invalid plugin page'));

				if ( !( file_exists(WP_PLUGIN_DIR . "/$plugin_page") && 
is_file(WP_PLUGIN_DIR . "/$plugin_page") ) && !( file_exists(WPMU_PLUGIN_DIR . 
"/$plugin_page") && is_file(WPMU_PLUGIN_DIR . "/$plugin_page") ) )
					wp_die(sprintf(__('Cannot load %s.'), 
htmlentities($plugin_page)));

				do_action('load-' . $plugin_page);

				if ( !isset($_GET['noheader']))
					require_once(ABSPATH . 'wp-admin/admin-header.php');

				if ( file_exists(WPMU_PLUGIN_DIR . "/$plugin_page") )
					include(WPMU_PLUGIN_DIR . "/$plugin_page");
				else
```

```
					include(WP_PLUGIN_DIR . "/$plugin_page");
				}

				include(ABSPATH . 'wp-admin/admin-footer.php');

				exit();
	} else if (isset($_GET['import'])) {

				$importer = $_GET['import'];

				if ( ! current_user_can('import') )
					wp_die(__('You are not allowed to import.'));

				if ( validate_file($importer) ) {
					wp_redirect( admin_url( 'import.php?invalid=' . $importer ) );
					exit;
				}

				if ( ! isset($wp_importers[$importer]) || !
is_callable($wp_importers[$importer][2]) ) {
					wp_redirect( admin_url( 'import.php?invalid=' . $importer ) );
					exit;
				}

				do_action( 'load-importer-' . $importer );

				$parent_file = 'tools.php';
				$submenu_file = 'import.php';
				$title = __('Import');

				if (! isset($_GET['noheader']))
					require_once(ABSPATH . 'wp-admin/admin-header.php');

				require_once(ABSPATH . 'wp-admin/includes/upgrade.php');

				define('WP_IMPORTING', true);

				if ( apply_filters( 'force_filtered_html_on_import', false ) )
					kses_init_filters();  // Always filter imported data with kses on
multisite.

				call_user_func($wp_importers[$importer][2]);

				include(ABSPATH . 'wp-admin/admin-footer.php');

				// Make sure rules are flushed
				flush_rewrite_rules(false);

				exit();
	} else {
				do_action("load-$pagenow");
```

```
	// Backwards compatibility with old load-page-new.php, load-page.php,
	// and load-categories.php actions.
	if ( $typenow == 'page' ) {
		if ( $pagenow == 'post-new.php' )
			do_action( 'load-page-new.php' );
		elseif ( $pagenow == 'post.php' )
			do_action( 'load-page.php' );
	}  elseif ( $pagenow == 'edit-tags.php' ) {
		if ( $taxnow == 'category' )
			do_action( 'load-categories.php' );
		elseif ( $taxnow == 'link_category' )
			do_action( 'load-edit-link-categories.php' );
	}
}

if ( !empty($_REQUEST['action']) )
	do_action('admin_action_' . $_REQUEST['action']);
```

Тошкент ахборот технологиялари университети “Касбий таълим” факултети “Ахборот кутубхона тизимлари” кефедраси “Ахборотлаштириш ва кутубхонашунослик” йўналиши 4- босқич талабаси
Умарова Дилдора Шокир қизининг

**«ОЗОД ШАРАФИДДИНОВНИНГ ЭЛЕКТРОН КУТУБХОНАСИНИ ЯРАТИШ»**

мавзусидаги битирув малакавий ишига

# ТАҚРИЗ

Ўзбекистон Республикасининг “Ахборот кутубхона фаолияти тўғрисида”ги Қонунида ахборот кутубхона муасасалари олдига электрон каталог, электрон кутубхона, йиғма электрон каталог яратиш каби бир қатор янги вазифалар қўйилганки, уларни бажариш учун ахборот кутубхона муасасаларида автоматлаштирилган ахборот кутубхона тизимларини жорий қилиш талаб қилинади. Умарова Дилдора томонидан бажарилган малакавий битирув иши Озод Шарафиддиновнинг электрон кутубхонасини яратиш билан боғлиқлиги билан диққатга сазовордир.

Мазкур малакавий иш кириш, 4 та боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган.

1 - боб электрон кутубхонани яратиш методлари ва дастурларини таҳлили, 2 - боб Озод Шарафиддинов электрон кутубхонасининг маълумотлар базасини яратиш алгоритмларини шакллантириш, 3 - боб Озод Шарафиддинов электрон кутубхонасини АКТ да яратиш, 4-боб ҳаёт фаолияти хавфсизлиги ҳақида сўз юритилган.

Битирув малакавий ишини камчилиги сифатида яратилган электрон кутубхона билан KARMAT дастури локал тармоқда мос ишлай олмайди.

Битирув малакавий иш мазмуни, бундай ишларга қўйиладиган талабларга тўла мос келади. Малакавий битирув ишни ижобий баҳолайман, ҳамда иш муаллифи Умарова Дилдорани “Ахборотлаштириш ва кутубхонашунослик” таълим йўналиши бўйича бакалавр даражасини олишга муносиб деб ҳисоблайман.

“Kompyuter Osiyo” илмий техника

Парки директори Хундибаев А.М.

Тошкент ахборот технологиялари университети “Касбий таълим” факултети “Ахборот кутубхона тизимлари” кефедраси “Ахборотлаштириш ва кутубхонашунослик” йўналиши 4- босқич талабаси
Умарова Дилдора Шокир қизининг

**«ОЗОД ШАРАФИДДИНОВНИНГ ЭЛЕКТРОН КУТУБХОНАСИНИ ЯРАТИШ»**

мавзусидаги битирув малакавий ишига

## ТАҚРИЗ

Умарова Дилдора томонидан бажарилган битирув малакавий битирув иши Озод Шарафиддиновнинг электрон кутубхонасини яратиш билан боғлиқлиги билан диққатга сазовордир.

Мазкур битирув малакавий иш кириш, 4 та боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган.

1 - боб электрон кутубхонани яратиш методлари ва дастурларини таҳлили, 2 - боб Озод Шарафиддинов электрон кутубхонасининг маълумотлар базасини яратиш алгоритмларини шакллантириш, 3 - боб Озод Шарафиддинов электрон кутубхонасини АКТ да яратиш, 4-боб ҳаёт фаолияти хавфсизлиги ҳақида сўз юритилган.

Битирув малакавий ишини камчилиги сифатида имло хатолар мавжудлиги деб биламан.

Битирув малакавий иш мазмуни, бундай ишларга қўйиладиган талабларга тўла мос келади. Малакавий битирув ишни ижобий баҳолайман, ҳамда иш муаллифи Умарова Дилдорани “Ахборотлаштириш ва кутубхонашунослик” таълим йўналиши бўйича бакалавр даражасини олишга муносиб деб ҳисоблайман.

Тошкент ахборот технологиялари
университети “Ахборот-кутубхона
тизимлари” кафедраси ассистенти О.О.Ишниязов